

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

қўлёзма ҳуқуқида

УДК

БОЙМИРЗАЕВ АКМАЛ ЗОКИРЖОНОВИЧ

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда таваккалчиликни бошқариш
тизимини ташкил этиш

(Наманган вилояти саноат корхоналари мисолида)

5А340201 “МЕНЕЖМЕНТ (ИШЛАБ ЧИҚАРИШ)”

Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Д.Эшонхўжаев

Наманган-2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I КОРХОНАЛАРДА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ БОШҚАРИШ БОБ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1. Саноат корхоналарида таваккалчиликнинг моҳияти.....	10
1.2. Саноат корхоналарида таваккалчиликни бошқариш.....	18
1.3. Саноат корхоналарида таваккалчиликни баҳолаш.....	25
II НАМАНГАН ВИЛОЯТИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА БОБ ТАВАККАЛЧИЛИКНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	33
2.1. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида саноат корхоналарининг ўрни.....	33
2.2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш Наманган вилояти тўқимачилик тармоғи корхоналарида иқтисодий таваккалчиликни мақбуллаштириш омили сифатида.....	40
2.3. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш жараёнини ташкил этиш.....	53
III ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА БОБ КОРХОНАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ТАВАККАЛЧИЛИКНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	62
3.1. Корхоналарда инвестициялаш иқтисодий хатарларни минималлаштиришнинг моддий асоси сифатида	62
3.2. Корхоналарда таваккалчиликни инновацион инвестициялаштириш жараёнида мақбуллаштириш	66
3.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий хатарларни бошқариш самарадорлигини ошириш.....	75
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	85
Фойдаланилган адабиётлар.....	92
ИЛОВАЛАР.....	98

Аннотация

Боймирзаев Акмал Зокиржоновичнинг “Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда таваккалчиликни бошқариш тизимини ташкил этиш” мавзусидаги диссертацияда иқтисодиёт тармоқларида мавжуд корхоналарда таваккалчиликни бошқариш тизимининг мазмуни, моҳияти ҳамда корхоналарда таваккалчилик даражасини пасайтириш усуллари батафсил ёритиб берилган. Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Биринчи бобда “Корхоналарда таваккалчиликни бошқариш тизимини ташкил этишнинг назарий асослари” номли биринчи бобда таваккалчиликни бошқаришни ташкил этишнинг моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бошқарувнинг назарий усул ва услублари ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида “Наманган вилояти саноат корхоналарида таваккалчиликни бошқариш масалаларининг таҳлили” Наманган вилоятидаги саноат корхоналарида ишлаб чиқариш фаолияти атрофлича таҳлил этилган ҳамда уларда таваккалчиликни пасайтириш ва хатарларни бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари ва уларга салбий таъсир этувчи омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган.

“Инвестицион жараёнларни ташкил этиш асосида иқтисодий таваккалчиликни минималлаштириш йўналишлари” номли учинчи бобда бозор иқтисодиёти шароитида таваккалчиликни бошқариш самарадорлигини ошириш ва уни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Диссертация ишининг хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда асосий илмий хулосалар ва амалий тавсиялар баён этилган.

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Бугунги кунда саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳукуматимиз иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Энг аввало корхона рақобатбардошлиги мавжуд иқтисодий конъюнктура, ундаги хатарлар даражаси уни олдини олиш ва таваккалчиликни бошқариш масалалари билан боғлиқ бўлади. Республиками иқтисодиётини тубдан қайта қуриш ва ундаги таркибий ўзгаришларнинг моҳияти ҳам айнан мавжуд таваккалчилик даражасини пасайтириш билан боғлиқдир. Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хомашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

- юқори технологиялар ва замонавий техника билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

- конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сифими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда¹.

Таваккалчилик даражасини пасайтиришда таркибий ўзгаришлар билан бир қаторда диверсификациялаш жараёнлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлайди:

“Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратишни истардим.

2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизида “Спарк” енгил автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН” автомобилларини, энергия тежайдиган лампалар, “ЕлЖи” русумидаги жаҳонга машҳур холодилникларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 1 минг 76 та лойиҳа амалга оширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошди, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва қучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 122 б.

3 миллиард 400 миллион долларни ташкил қилди ва бу 2009 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир².

Аммо, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган аксарият корхоналарнинг раҳбар-менежерлари замон талаблари асосида фаолият юритаётганликлари, корхоналарда таваккалчиликни бошқариш механизмлари шакллантирилмаганлиги сабабли корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ташқи бозорларда, балки ички бозорларда ҳам ўз ўрнини топа олмаяпти, натижада, улар корхоналарнинг иқтисодий-молиявий салоҳиятига, самарадорлик даражасига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

Ушбу ҳолатлар ишлаб чиқариш корхоналарида таваккалчиликни бошқариш, соҳасида амалий, илмий-назарий изланишлар олиб боришни, бошқарув меҳнати ходимлари ишини такомиллаштириш ва таҳлил этиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда ҳамда мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналарида таваккалчиликни бошқаришни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш борасидаги тадқиқотлар чет эл олимлари Ж.П. Андерсон, В.Ж.Дамгэн, Ж.П.Котлер, М.Мескон, Ф.Тейлор, Г.Эмерсон, А.Файол, И.Шонбергер, Н.А.Саймонларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. МДХ мамлакатларининг олимларидан А.И.Кибанов, З.Р.Румянцева, В.М.Гальнерцна, М.А.Саламатиналар бошқарув назариясининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлар. Шунингдек, бу борадаги тадқиқотлар республикаимиз иқтисодчи олимларининг ҳам қатор илмий изланишларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, М.Шарифхўжаев, Т.Э.

² Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январ.

Эргашев, Р.Исматов, Д.Н.Рахимова, Ш.Н.Зайнутдинов, Д.Эшонхўжаев, И.С.Сайифназаров, И.У.Муратаев, Қ.Абдурахмонов, А.Сотволдиев, Р.А.Фатхудинов, С.С.Ғуломов ва бошқаларнинг илмий ишларида бошқарув масалалари ўзига хос тарзда талқин этилган.

Бироқ, саноат корхоналарида таваккалчиликни бошқаришни ташкил этиш, хатарларни пасайтириш бўйича самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш, таваккалчиликни бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари белгилаб бериш муаммолари етарлича ёритилмаган.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида мазкур муаммога тааллуқли бўлган ва уни такомиллаштиришни таъминловчи илмий-назарий ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарида таваккалчиликни бошқаришни такомиллаштириш муаммоси ечимлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар бериш бугунги кунда республикамиз, жумладан, Наманган вилояти ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда таваккалчиликни бошқаришни замонавий ёндашувлар асосида тадқиқ этилиши ушбу мавзунини танлашга ва тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур тадқиқотнинг мақсади бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналарида бошқарув меҳнатини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Қўйилган мақсадга эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

- Ишлаб чиқариш корхоналарида таваккалчиликнинг моҳияти ва мазмунини ёритиб бериш;

- Ишлаб чиқариш корхоналарда таваккалчиликни бошқаришнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;
- Ишлаб чиқариш корхоналарида таваккалчиликни баҳолаш йўналишларини очиб бериш;
- Наманган вилоятининг ижтимоий иқтисодий ривожланишида ишлаб чиқариш корхоналарининг ўрнини тавсифлаш;
- Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш Наманган вилояти тўқимачилик тармоғи корхоналарида иқтисодий таваккалчиликни мақбуллаштириш омили сифатидаги ўрнини баҳолаш;
- Наманган вилояти ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланиш жараёнини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш жараёнларини таҳлил этиш;
- Инвестициялаш иқтисодий хатарларни минималлаштиришнинг моддий асоси сифатидаги ролини очиб бериш;
- Саноат корхоналарида таваккалчиликни инновацион инвестициялаштириш жараёнида мақбуллаштириш йўналишларини тадқиқ этиш;
- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий хатарларни бошқариш самарадорлиги бўйича таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти сифатида Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарида таваккалчиликни бошқаришни ташкил этиш асосида самарадорликни оширишга оид иқтисодий муносабатлар тизими хизмат қилди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асосини ижтимоий-иқтисодий воқеликни ўрганишнинг диалектик усули, шунингдек, йирик иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ва республикаimiz Президенти И.А.Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар ташкил қилади.

Тадқиқод давомида мантиқий фикрлаш, иқтисодий таққослаш, илмий умумлаштириш ва таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Наманган вилоят статистика бошқармаси ва «Нотўқимачи» ОТАЖ маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- бозор иқтисодиёти шароити хусусиятларидан келиб чиқиб, саноат корхоналарида таваккалчиликнинг роли ва аҳамияти ўрганилди, саноат корхоналарида таваккалчиликни бошқариш самарадорлигини оширишнинг моҳияти ёритиб берилди;

- саноат корхоналарида таваккалчиликни бошқаришни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллари аниқланди;

- саноат корхоналарида хатарларни пасайтиришда инновацион фаолиятни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётда қўлланиши орқали саноат корхоналарида бошқарув меҳнатини самарали ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишга, ишчи-ходимлар ва корхона мулкдорларининг моддий манфаатдорлик даражасини кўтарилишига эришилади. Бундан ташқари диссертацияда асосланган назарий хулоса ва материаллардан олий бизнес мактабларида, касб-хунар коллежларида саноат корхоналари бошқарувига оид фанларнинг ўқув дастурлари доирасида фойдаланиш мумкин.

Апробация ва тадқиқот натижаларини жорий қилиш. Тадқиқот натижалари «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишнинг 2-сифат босқичи вазифаларини бажаришга бағишланган магистрларнинг анъанавий IV ва V-илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган.

Нашр ишлари. Магистрлик диссертацияси юзасидан 0,4 босма табоқдан иборат 2 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертация таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, услубий ва назарий асоси, илмий янгилиги, амалий аҳамияти баён этилган.

«Корхоналарда таваккалчиликни бошқариш тизимини ташкил этишнинг назарий асослари» номли биринчи бобда таваккалчиликни бошқаришни ташкил этишнинг моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бошқарувнинг назарий усул ва услублари ёритилган.

« Наманган вилояти саноат корхоналарида таваккачиликни бошқариш масалаларининг таҳлили» номли иккинчи бобда Наманган вилоятидаги саноат корхоналарида ишлаб чиқариш фаолияти атрофлича таҳлил этилган ҳамда уларда таваккалчиликни пасайтириш ва хатарларни бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари ва уларга салбий таъсир этувчи омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган.

«Инвестицион жараёнларни ташкил этиш асосида иқтисодий таваккалчиликни минималлаштириш йўналишлари» номли учинчи бобда бозор иқтисодиёти шароитида таваккалчиликни бошқариш самарадорлигини ошириш ва уни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Диссертация ишининг хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда асосий илмий хулосалар ва амалий тавсиялар баён этилган.

I БОБ. КОРХОНАЛАРДА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Саноат корхоналарида таваккалчиликнинг моҳияти

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни амалга оширилар экан, бизнинг энг биринчи галдаги вазифамиз мулкдорлар синфини шакллантириш баробарида кичик бизнесни ривожлантиришдан иборатдир. Кичик бизнесни ривожлантириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқимиз дунёқарашини ўзгартириш, демократик жамиятни қарор топтириш учун асос ярата оламиз.

Айни пайтдаги жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамай мамлакатимизда иқтисодиёт юқори суръатлардаги ўсиб бормоқда. Бу борада республикаимиз президенти И.А.Каримов куйидагиларни таъкидлайди: “Биз бугун 2010 йил якунларини баҳолар эканмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур. Шунинг яна бир бор эслатиб ўтмоқчиманки, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани албатта барчамизга мамнуният бағишлайди³”.

Олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгариш рўй бермоқда.

³ Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараккиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январ

Бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари олдига нафақат ички бозорни тўлдириш, балки экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бу орқали жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш вазифалари ўрнатилмоқда. Шу боис, бозор иқтисодиёти фанимизга, онгимизга янги тушунчалар ва ибораларни олиб кирди ва олиб кирмоқда. Шу тариқа халқимизнинг ижтимоий онги, турмуш тарзи ва фанимиз тубдан ўзгариб, ривожланиб бормоқда. Бир вақтлар кўпчиликка нотаниш сўзлар бугунги кунда ҳеч кимга ғайритабиий туюлмади. Таваккалчилик ёки «Риск», «Рискни бошқариш» иқтисодий категория сифатида биз учун нисбатан янги тушунчалардан бири ҳисобланади.

Таваккалчилик бу - тадбиркорнинг аввал кўриб чиқилган башорати (прогнози), фаолият олиб бориш дастурида кўрсатилганидан кўра кўпроқ кўриладиган зарарлар ёхуд фойдани кутилган миқдордан оз олинishi каби хавф билан боғлиқдир⁴.

Тадбиркорлик таваккалчилигини моҳиятини тўлиқ англаш учун «харажат», «зарар» каби тушунчаларни фарқлаб олиш керак.

Юқорида келтирилган тавсифлар «таваккалчилик» категориясининг сифатий жиҳатини англатса, шу билан биргаликда «тадбиркорлик таваккалчиликнинг»нинг миқдорий томонларини ҳам кўрсатиб ўтади.

Таваккалчилик абсолют ҳолатда ижтимоий зарарлар ҳажмини материал ёки пул кўринишида акс эттириши мумкин бўлади.

Қиёсий ҳолатда эса таваккалчилик ишлаб чиқариш корхонасининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги мулкӣ ёки ресурсларнинг умумий сарфи ёхуд тадбиркорликдан кутилаётган даромад кўринишида аниқланади.

Корхоналарда таваккалчиликнинг қиёсий ҳажмини аниқлашда корхонанинг асосий фондлари ва айланма маблағлари қийматини ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда сарфланадиган харажатлар;

⁴ Бачан Т.И и др: «Хозяйственный риск и методы его измерения» М., «Экономика», С. 14. 1979

жорий харажатлар, капитал қўйилмалар ёки фойдани олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таққослаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичларни кутилаётган фойда, харажат, тушум кўрсаткичлари деб атаёмиз. Ҳаммамизга маълумки, бу кўрсаткичларнинг моҳияти бизнес режани ишлаб чиқишда, тадбиркорлик лойиҳаси, тадбиркорлик шартномаларини тузиш жараёнида, уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини асослаш даврида аниқланади.

Зарарлар фойданинг кутилаётган ҳажмига нисбатан камайиши орқали аниқланади. Корхона зарарлари - бу биринчи навбатда тадбиркорлик фойдасининг камайиши ҳисобланади.

Айнан шу каби зарарлар тадбиркорлик rischi даражасини тавсифлайди. Демак, riskни таҳлил қилиш биринчи навбатда зарарларни таҳлил қилишдан бошланади.

Кутилмаган ҳолатда юзага келадиган у ёки бу эҳтимолий зарарларни баҳолаш ёки ўташ учун энг аввало тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ зарарлар турини билиб олишимиз керак бўлади. Бунда албатта, ҳар бир зарар турларини миқдорий баҳолаш ва уларни бир қолипга тушира ола билиш зарур бўлади. Зарарларни башорат (прогноз) қилиш жараёнида уларни ҳисоблашдан аввал, бир муҳим вазиятга алоҳида аҳамият қаратиш керак, яъни тадбиркорлик фаолиятининг боришига ва натижаларига таъсир этувчи воқеаларнинг эҳтимолий ривожланиши нафақат катта миқдордаги ресурсларни зарарга олиб келиши мумкин, шу билан биргаликда якуний натижани ҳам камайтириб юбориши мумкин бўлади.

Яна шуни унутмаслик керакки, эҳтимолий воқеалар бир турдаги ресурсларнинг ортишига ва бошқа тур харажатларининг камайишига ёхуд баъзи ресурслар харажатларининг ортиши баробарида, бошқа ресурслардан иқтисод қилишга эришишига сабаб бўлиши мумкин.

Агар эҳтимолий воқеалар тадбиркорлик фаолиятининг якуний натижасига икки тарафлама, ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатса, у

ҳолда рискни баҳолашда у ва бу ҳолатларнинг даражасини ҳам ҳисобга олиш керак, бошқача айтганда, эҳтимолий зарар йиғиндиси аниқланаётганда, тадбиркорлик фаолиятини муваффақият сари олиб боровчи харажатларни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади.

Тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган материал, меҳнат, молиявий, вақтнинг йўқотилиши каби зарарларнинг махсус турларига ажратиш мумкин.

Материал кўринишидаги зарарлар, тадбиркорлик лойиҳаларида кўзда тутилмаган кўшимча харажатлар ёки энергия, хом ашё, маҳсулотлар, мулк, жиҳозлардан кўриладиган зарарлар кўринишида юзага келади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир зарар турларининг ўз ўлчов бирликлари қабул қилинган. Материал зарарлари, ҳажми ўлчов бирликлари, оғирлик бирлиги, ҳажм, майдон ва бошқа ўлчов бирликларида ўлчанади. Бирок, турли ҳил бирликларда ўлчанадиган икки ҳил зарарларни битта бир ҳил бирликда акс эттириш мумкин эмас. Шунинг учун қиймат кўринишидаги зарарларни амалиётда пул бирлигида акс эттирилади. Бунинг учун зарарларнинг жисмоний кўринишидаги ўлчами материал ресурсларини ўзининг белгиланган баҳосига кўпайтириш йўли билан қиймат кўринишига айлантирилади. Қиймати аввалдан маълум бўлган материал ресурслар ҳажмини бирданига пул кўринишида баҳолаш мумкин.

Меҳнат зарарлари эҳтимоллик ва кутилмаган ҳолатларни юзага келтирувчи иш вақти зарарини ўзида акс эттиради. Меҳнат бўйича зарарлар киши-соат, киши-кун ёки иш вақти соатларида ўлчанади.

Меҳнат бўйича зарарларни қиймат, пул кўринишида акс эттириш иш соатларини бир соатлик иш қийматига кўпайтириш орқали амалга оширилади.

Молиявий зарарлар - бу кутилмаган тарзда юзага келадиган тўловлар, жарималар, кўшимча солиқларни тўлаш, пул ва қимматли қоғозларнинг зарар билан боғлиқ пул кўринишидаги шаклидир. Улардан ташқари, молиявий

зарарлар кўзланган манбалардан пулни тўлиқ ёки умуман ундириб ололмаслик ёхуд харидорларнинг етказиб берилган, сотилган маҳсулотлар учун пулни ўз вақтида тўлай олмаслиги натижасида маҳсулот ва хизматлар баҳосининг пасайиши оқибатида фойданинг камайиши билан юзага келиши мумкин бўлади.

Пул кўринишидаги зарарлар асосий турларининг юзага келиши инфляция, валюта курсининг ўзгариши, корхона маблағларини қўшимча тарзда давлат бюджетига ундириб олиш билан боғлиқдир.

Яқунловчи қайтариб олиш мумкин бўлмаган зарар вақтинчалик молиявий зарар, счётларни музлатиш, маблағларни ўз вақтида етказиб бермаслик, қарзларни тўлаш муддатининг узайтирилиши оқибатида пайдо бўлади.

Вақт бўйича зарарлар ишлаб чиқариш фаолияти жараёнининг белгиланганидан кўра секин бориши натижасида юзага келади. Бу каби зарарлар белгиланган натижани кечикиб олган соат, кун, ҳафта, ойларда баҳоланади. Йўқотилган вақтнинг ўлчовини қиймат кўринишида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги йўқотилган вақт оралиғида қандай фойда ёки даромад олинмаган бўлса, ушбу фойда ёки даромад бирлиги билан ўлчанади.


Зарарларнинг махсус тури инсонлар соғлиги ва ҳаётига, атроф-муҳитга, тадбиркор обрўсига етказилган зарар, шунингдек, бошқа салбий ижтимоий ва маънавий психологик оқибатлар натижасида юзага келади. Гоҳида барча маълум тур зарарларни миқдорий ва қиймат кўринишида умуман акс эттириб бўлмайди. Дарҳақиқат, ҳар бир турдаги зарарларни уларнинг юзага келиш эҳтимоллиги ва ҳажмини баҳолаш, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган муддат, йил, ой ва белгиланган муддатларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Рискни баҳолашда эҳтимолий зарарларнинг комплекс таҳлилини ўтказиш учун нафақат риск манбаини белгилаш, балки у

кандай манбалардан кўпроқ пайдо бўлаётганлигини ҳам юзага чиқариш муҳим рол ўйнайди.

Юқорида келтирилган зарарлар турини таҳлил қилишда эҳтимолий зарарларни даража бўйича биринчи ва иккинчи даражага ажратиб олиш зарур. Тадбиркорлик рискларини аниқлашда иккинчи даражали зарарлар риск даражасини миқдорий баҳолашда ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, олдиндан таҳлил қилиш натижасида юзага келадиган зарарларнинг турли ҳажми ва эҳтимоллиги бўйича «саралаш» имконияти юзага келади.

Таваккалчиликни баҳолашдан аввал зарарларнинг тизимли ташкил этувчиларини эҳтимолийларидан ажратиб олиш даркор.



1.1.1-расм.Ишлаб чиқариш корхоналарида таваккалчилик турлари⁵

Энди, тадбиркорлик турлари, ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий тадбиркорлик билан боғлиқ бир нечта тизимли зарарларни синчковлик билан кўриб чиқамиз ва бу билан рискни юзага келтирувчи ўта муҳим омилларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин бўлади. Таваккалчилик омилларини билиш уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга ва камайтиришга имкон беради. Ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий тадбиркорликда эҳтимолий

⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишланган.

зарарларнинг пайдо бўлишини таҳлил қилишга ўтишдан аввал зарарларнинг бир нечта махсус манбаи ва уларга таъсир этувчи омиллар манбаини кўрсатиб ўтамиз. Бу манбалардан бирига сиёсий омиллар таъсирида юзага келадиган зарарларни киритиш мумкин. Бу каби зарарлар сиёсий рискни юзага келтиради. У сиёсий воқеалар натижасида кутилмаганда юзага келадиган муҳим муҳитни пайдо қилади ва ортиқча харажатларга олиб борадиган хўжалик фаолиятини тақозо қилади.

Бу каби рискнинг манбаи бўлиб солиқ меъёрининг ортиб кетиши, шартнома шартларининг ўзгариши, мулк шаклининг ўзгариши, сиёсий вазият бўйича мол-мулк ва пул маблағидан ажралишлар ҳисобланади. Бу ҳолатда зарарлар ҳажми ва риск даражасини аниқлаш жуда қийин кечади.

Тадбиркор учун ҳамкорларнинг инсофсизлиги ва тўлов қобилиятига эга эмаслиги натижасида келадиган зарарлар муҳим ўрин эгаллайди.

Энди юқорида таъкидлаб ўтилган тадбиркорлик турлари бўйича рисклар ва зарарлар эҳтимолини кўриб чиқамиз:

А. Ишлаб чиқариш тадбиркорлигидаги зарарлар.

1. Меҳнат унумдорлигининг пасайиши оқибатида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг белгиланган меъридан камайиши, жиҳозларнинг тўхтаб туриши ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаслик, иш вақтидан зарар, бошланғич хом ашёнинг етарли бўлмаслиги, юқори фоиздаги брак режалаштирилган тушумни ололмасликда акс этади. Улар қиймат кўринишида қуйидаги формула билан аниқланади.

$$D = \Delta O \cdot B \quad (1.1)$$

бу ерда:

ΔO - маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг эҳтимолий йиғиндиси;

B - сотилган маҳсулот ҳажмининг баҳоси.

2. Сотилган маҳсулотнинг баҳоси, сифатининг пастлиги, бозор конъюктурасининг ўзгариши, талабнинг тушиб кетиши,

баҳодаги инфляция эҳтимолий зарарларга олиб келади, уни ушбу формула бўйича ҳисобланади:

$$\Delta D = \Delta B \cdot O \quad (1.2)$$

бу ерда:

ΔB - бирлик маҳсулот ҳажми баҳосининг камайиш эҳтимоли;

O - ишлаб чиқаришга ва сотишга мўлжалланган маҳсулотнинг умумий ҳажми.

3. Хом ашё, ёқилғи, энергиянинг ортиқча сарфланиши ҳам зарарларга олиб келади, у қуйидаги ҳисоблаш формуласи орқали аниқланади:

$$\Delta D = \Delta M \cdot B_1 + \Delta M_2 \cdot B_2 \quad (1.3)$$

бу ерда:

ΔM - материал ресурсларининг эҳтимолий сарфи;

B - бирлик ресурслар баҳоси.

Б. Тижорат тадбиркорлигидаги зарарлар:

1. Тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида товарни сотиб олиш қийматининг ўзгариши ва сотиб олиш ҳақидаги шартнома шартларининг ҳимояланмаслиги ҳам эҳтимолий зарарларга олиб келади, у қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta D = O \quad (1.4)$$

бу ерда:

O - жисмоний ўзгаришда бўлган товарнинг сотиб олинган ҳажми;

ΔD - сотиб олиш баҳосининг ошиш эҳтимоли.

2. Кутилмаганда сотиб олиш ҳажмининг мўлжалдаги ҳажмидан камайиб кетиши сотиш ҳажмининг камайишига олиб келади. Йўқотилган фойда сотилган товар ҳажмига тўғри келувчи сотиб олиш ҳажмининг камайиши орқали ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, сотиб олиш ва сотиш ҳажмининг камайиши харажатларнинг камайишига олиб келади.

Ташиш, сақлаш жараёнида товар сифати ва истеъмол қийматининг зарари унинг қийматини пасайишига олиб келади. Бу каби зарар ҳажми йўқотилган товар миқдорини сотиб олиш баҳосига бўлиш ёки зарарланган ҳажмини унинг қийматига бўлиш йўли билан аниқланади.

В. Молиявий тадбиркорликдаги зарарлар:

Молиявий тадбиркорлик ҳам ўз моҳияти бўйича тижорат тадбиркорлиги кабидир, фақат бу ерда товар бўлиб пул, қимматли қоғоз, валюта ҳисобланади. Тижорат тадбиркорлигига характерли бўлган ҳолатлар молиявий тадбиркорликка ҳам хосдир.

Молиявий рискни баҳолашда тўловга қобил эмаслик пул, валюта, қимматли қоғозлар курсининг ўзгариши, валюта пул муносабатлари операцияларидаги чекланишлар омилларини ҳисобга олиш керак.

1.2. Саноат корхоналарида таваккалчиликни бошқариш

Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароити унинг барқарорлигини таъминлаш учун зарурий шарт-шароитларни тақозо этмоқда. Бунинг асосий негизи иқтисодий тизимни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида юзага келадиган рискларни камайтириш ва уни эркинлаштиришдан иборатдир. Бу борада, айниқса, мамлакат ҳукумати томонидан ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришнинг аҳволи ва бу соҳадаги олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, шундай дейдилар: “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади.

Бу хусусда гапирганда, 2011 йилда иқтисодиётга жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортиғини саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш

кўзда тутилатгани, замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш харажатлари умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётганини қайд этиш даркор⁶»

Ишлаб чиқариш корхоналари тез ўзгарувчан иқтисодиётда бошқарув саноатидан фойдаланиши ва уларни қўллаш орқали фаолиятларида юзага келадиган зарар ва хавфларни олдиндан кўра билиши ва баҳолай олиши биринчи галдаги вазифасига айланиши фойдадан холи бўлмас эди. Бугунги кун шароити мулкчилик шаклидан қатъий назар ишлаб чиқарувчилардан ўз фаолиятларини тўғри ва самарали ташкил этишни, «етти ўлчаб, бир кесиш»ни тақозо этмоқда. Айниқса, хусусий тадбиркорлар бу борада теранроқ фикр юритишларига, чуқур мулоҳаза билан иш юритишларига тўғри келмоқда. Чунки улар томонидан йўл қўйилган кичик бир хато ва хавфни кўра олмаслик, уларни инқирозга олиб келиши ва оқибат натижада бор мол-мулки, маблағларидан ажралиб, банкрот ҳолатига олиб келиши мумкин. Барча ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШда тадбиркорлар ишлаб чиқаришни «ташкил қилиш», «бошқариш» тушунчалари билан боғлайдилар. Масалан: «меҳнат унумдорлигини бошқариш», «сифатни бошқариш», «нархни бошқариш». Ушбу тушунчалар билан биргаликда ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқаришида тадбиркорлар «риск», «рискни бошқариш» каби бошқарув туридан ҳам кенг ва самарали фойдаланадилар.

«Риск» сўзи инглиз ва рус тилида кенг қўлланиладиган сўз бўлиб, у иқтисодиётда ўзига хос талқинга эга. Ҳозирги адабиётларда «рискни бошқариш» иқтисодий категория сифатида Ўзбекистон фани учун янги тушунчалардан бири ҳисобланади.

⁶ Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январь.

Аслида «риск» сўзи грек сўзидан олинган бўлиб, у кемаларни ҳалокатга олиб боровчи ва одамларнинг ўлимига, мол-мулкларининг чўкиб кетишига сабабчи қояни билдириб, «қоялар орасидан шамол ва бошқа тўсиқларга чап бериб сузиб ўтмоқ» маъносини англатади. С.Ушаков «риск» сўзини бирор зарар етказиш хавфи бўлган таҳлика ёки ҳар қандай зарар етказиш имкони каби тушунчалар билан таърифлайди⁷. Ҳозирги кунда эса бу сўз «хавф остида қолмоқ», «хавф-хатар» деган янги маънода қўлланилмоқда. Рискни юзага келтирадиган ички ва ташқи омиллар, яъни ҳукумат қарорлари, инфляциянинг ортиб бориши, солиқ тизимининг ўзгариши, транспорт коммуникациясининг бузилиши ва ташқи сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳодиса ва воқеалар таъсир ида келиб чиқади.


«Таваккалчиликни бошқариш» - бу бошқарувнинг бир тури бўлиб, у ёки бу рискнинг юзага келиш эҳтимоли, унинг баҳоси, огоҳлантирувчи чоратadbирларни ишлаб чиқиш, зарарларни камайтириш ёки улардан қутулиш йўлларини аниқлашни билдиради⁸. Таваккалчиликни бошқариш тизимининг муҳим томони рискни тўғри баҳолай олишдир. Бу кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ҳажмини объектив тасаввур қилиш, зарарларнинг олдини олиш чораларини самарали белгилаш учун муҳимдир. Рискларни бошқариш жараёни 1.2.1 - расмда ифодаланган бошқарув цикли босқичлари вазифаларини амалга оширишни тақозо этади. Таваккалчиликни бошқариш жараёни қуйидаги бошқарув цикли босқичлари вазифаларини амалга оширишни тақозо этади.

I. Рискларни идентификация қилиш: рисклар рўйхатини, таснифини ва рискни юзага келтирувчи ҳодисаларнинг мезонини шакллантириш ва белгилаб олиш;

⁷ Ушаков С. А. Управления рисками. [ИНФРА-М, РИОР](http://www.cfin.ru), 2005. С 45. // www.cfin.ru

⁸ Балабанов И.Т. «Риск и менеджмент» М.:«Финансы и статистика», 1996 г.

- II.** Рискларни баҳолаш: рискларнинг эҳтимоллик даражасини миқдор ва сифат жиҳатидан баҳолаш; рискли ҳодисаларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш;
- III.** Рискларни бошқариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш: рискли ҳодисаларни камайтириш бўйича муқобилликларни яратиш.




1.2.1-расм .Таваккалчиликни бошқаришнинг даврий босқичлари⁹

Рискларни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш: рискли ҳодисалар оқибатини камайтириш, натижаларни баҳолаш, ҳамда ҳужжатларни расмийлаштиришдан иборат. Корхоналар ҳар доим таваккалчилик билан тўқнаш келадилар. Шунинг учун рискли ҳодисаларнинг юзага келиш сабаблари ҳам жуда кўпдир. Одатда рискли ҳодисаларда кескин вазиятларни юзага келтирувчи ҳолатлар тушунилади. Бундай кескин вазиятли ҳолатлар манбаи - хўжалик фаолияти тадбиркорнинг, шахсий фаолияти, якуний натижаларга таъсир қилувчи ташқи муҳит ҳақидаги ахборотларнинг етишмаслиги ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишланган

Таваккалчиликни таснифлаш асосида корхоналар рискларни бошқариш жараёнини янада самарали йўлга қўйиши мумкин бўлади. Чунки таснифлангандан сўнг қайси рисклар юқори хавф-хатарни юзага келтиради ва қайсилари иккинчи даражали аҳамият касб этиши аниқланади ва шу асосда рискларни камайтириш бўйича зарурий чора-тадбирларни амалий ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Ишлаб чиқариш корхоналари таваккалчилигини ички ва ташқи таваккалчиликка бўлиш мумкин. Ташқи рискларнинг юзага келиш манбаи бўлиб, ташқи муҳит унсурлари ҳисобланади. Тадбиркор бу каби таваккалчиликка таъсир эта олмаслиги мумкин, аммо уларни ўз фаолиятида олдиндан кўра олиши ва ҳисобга ола билиши керак. Шунингдек ташқи таваккалчиликка корхона фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган таваккалчилик киради. Бу каби таваккалчиликларга тадбиркорлик фаолияти ва иқтисодий бошқариш мақсадида тегишли қонунларнинг қабул қилиниши ёки ўзгартирилиши, мамлакатдаги сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий ва демографик вазиятларнинг ўзгариши, ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўзгаришлар, бозор мувозанатидаги ўзгаришлар киради. Бунга 1998 йилги Шарқий-Жанубий Осиё мамлакатларида юз берган молия-кредит тизимидаги халқаро муносабатларнинг бузилиши мисол бўлади. Ички таваккалчилик манбаи бўлиб, тадбиркорлик корхонасининг ички вазияти ва ҳолатидаги ҳодиса ва воқеалар ҳисобланади. Бу каби таваккалчиликларга менежмент фаолиятининг самарали амалга оширилмаганлиги, маркетинг асослари ва сиёсатини нотўғри юритиш, фирма ходимларининг суистеъмолликка йўл қўйиши, фирмада кадрлар сиёсатидаги хатоликлар, хом ашёнинг етишмаслиги, сотиш конъюктурасининг ўзгариши, инфляциянинг ортиб бориши кабилар киради(1.2.2-расм).



1.2.2-расм. Ишлаб чиқариш корхоналари таваккалчилигининг ички ва ташқи омиллари¹⁰

Сўнги вақтларда маҳаллий ишлаб чиқарувчи учун валюта таваккалчилиги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Валюта таваккалчилиги - бу валюта курсининг ўзгариши ва инфляция натижасида юзага келадиган молиявий зарарлар эҳтимоллиги ҳисобланади. Валюта

¹⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишланган

курсига таъсир этувчи асосий омиллар орасидан тўлов баланси ҳолатини, инфляция даражасини, қисқа муддатли капиталларнинг тармоқлараро миграциясини ажратиб кўрсатиш мумкин. Шу билан биргаликда валюта курсининг ўзгаришига талаб ва таклиф муносабатлари, ташқи ва ички сиёсий омиллар ҳам таъсир этади. 1998 йилдаги Россиядаги валюта кризиси, АҚШдаги 2001 йил 11 сентябр воқеалари бунга яққол мисол бўла олади¹¹.

Саноат корхоналари учун яна бир муҳим таваккалчилик турларидан бири кредит таваккалчилиги ҳисобланади. Кредит таваккалчилиги, фирма фаолиятини ташқи маблағлар асосида молиялаштириш натижасида, инвесторлар олдидаги ўзининг молиявий мажбуриятларини бажара олмаслик имкониятлари билан боғлиқдир. Кредит таваккалчилиги билан кредиторлар: банк ва бошқа молиявий ташкилотлар мол етказиб берувчилар ва акциядорлар ўртасида юзага келиши мумкин. Кредит рискининг юзага келишига сабаб, кредит олувчининг инсофсизлиги, яъни маблағларни ўз шахсий эҳтиёжларига ёки бўлар-бўлмас ишларга сарфлаб юбориши натижасида кредит олган корхонанинг рақобатга дош бера олмаслиги; нохуш иқтисодий конъюнктура фирма раҳбарининг омилкор эмаслиги, шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига молиявий, тармоқ, инвестицион, инновацион рисклар ҳам ўз таъсирини кўрсатади¹².

Корхоналар рискларини бошқариш ҳозирги шароитда Ўзбекистонда авж олиб бораётган кичик ва хусусий бизнес тадбиркорлари фаолиятини самарали, унумли бошқариш энг муҳим, долзарб муаммо эканлигини ҳисобга олиб, халқаро ҳуқуқий муносабатларни ва мамлакат ичидаги иқтисодий-ҳуқуқий асосларни, миллий хусусиятларни чуқур билишлари ва амалда қўллашлари лозим бўлади. Бунинг учун керакли консултациялар олиш - (маслаҳат берувчи) компаниялардан ва банклар қошидаги ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорлар палатаси қошидаги мутахассислар билан


¹¹ Крейнина. М. Н. Финансовая устойчивость предприятия: оценка и принятие решения. Стр 2-3. <http://www.dis.ru>.

¹² Первозванский А.А., Первозванский Т.Н. «Финансовый риск: расчет и риск» М., «Инфра-М». С 87. 1999 г

маслаҳатлашишлари, компьютер орқали «Интернет» ахборотларидан фойдаланиш ҳар бир тадбиркорнинг биринчи навбатдаги бурчи бўлиб қолмоғи мақсадга мувофиқдир. Корхона ўз фаолиятини самарали, хавф-хатарсиз амалга оширишни бошқарар экан, жаҳонда тез ўзгариб бораётган иқтисодий, сиёсий жараёнларни ва мамлакат ичидаги ўзгарувчанлик ҳолатларини ҳар доим ўрганиб бориши тадбиркорлик фаолияти учун катта самара беради.

1.3. Саноат корхоналарида таваккалчиликни баҳолаш

Корхоналарда молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда, таваккалчиликни юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий зарарлар сифатида характерлаш ва ўлчаш мақсадга мувофиқдир. Таваккалчиликни баҳолашда энг аввало, унинг ҳар бир эҳтимолий зарарларини мутлақ ёки қиёсий жиҳатдан баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Таваккалчиликни баҳолашда эҳтимолликлар эгри чизиғини қуриш таваккалчиликни аниқлашнинг бошланғич босқичи бўлиши мумкин. Бу эгри чизиқни корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятига тадбиқ этиш ўта мураккаб вазифа ҳисобланади. Шунинг учун таваккалчиликнинг бир нечта асосий кўрсаткичларини кўриб чиқиш корхонанинг истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён корхонадаги бизнес режа ва унинг бажарилиши билан боғлиқ тадбирларда акс этади. Корхона бизнес режада энг аввало зарарсизлик нуқтаси ва унинг қандай аниқлашини таҳлил этиш зарур. Шу мақсадда, корхоналарда зарар ҳажмига боғлиқ равишда таваккалчиликни ҳудудларига ажратиб оламиз (1.3.1 - расм).



Зарар кутилмайдиган мухитни рисксиз худуд деб атаймиз. Ушбу худудда ҳеч қандай зарарлар кутилмайди.

Рискка йўл қўйилиши мумкин бўлган худудда тадбиркорлик фаолияти ўзининг иқтисодий ҳолатини сақлаб қолади. Бу худудда зарарлар мавжуд, аммо улар кутилаётган фойда ҳажмидан кам бўлади.

Рискка йўл қўйилиши мумкин бўлган худуд чегарасида зарарлар даражаси тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган фойдага тенг бўлади.

Кейинги ўта хавфли мухитни жиддий риск худуди деб атаймиз. Бу худудда эҳтимолий зарарлар кутилаётган фойда ҳажмидан юқори бўлади. Тадбиркор якуний ҳолатда нафақат даромадга эриша олмайди, балки барча харажатлари миқдоридан ҳам юқори зарар кўради.

Жиддий рискдан кўра, ўта фожеали риск худудини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. У ўзининг ҳажми, бўйича критик даражадан ортади, тадбиркорликнинг мулкӣ ҳолатига тенг бўлади. Фожеали риск фаолияти оқибатида корхона банкротга учрайди, уни ёпишга ва мол-мулкни сотишга олиб келади.

Риск ҳақидаги тўлиқ маълумотни эҳтимолий йўқотишлар тақсимооти эгри чизиғи ёки эҳтимолий зарарларнинг график тасвири кўрсатиб беради. Эҳтимолий зарарлар эгри чизиғини шакллантириш учун фойдага эҳтимолий ҳажм сифатида қараймиз ва эҳтимолликларни тақсимлаш эгри чизиғи ни олинадиган фойда даражасига боғлиқ равишда кураимиз.

Олинаётган фойданинг эҳтимолий тақсимоли эгри чизигини куришда куйидагиларни инобатга оламиз:

1. Олинаётган фойда эҳтимоллиги ҳисобий фойда ҳажмига тенг. Бу каби эҳтимолий фойдани (B_p) олиш максимал даражада, (Φ_p)нинг қийматини кутилаётган фойданинг математик ифодаси орқали ҳисоблаш мумкин.

2. Зарарлар фойда ($\Delta \Phi$)нинг камайишини фойданинг ҳисобий ҳажми F_r билан солиштириш орқали ҳисобланади. Агар реал фойда F га тенг бўлса, у ҳолда,

$$F = F_r - \Delta F \quad (1.1)$$

бунда:

ΔF - фойданинг камайиши ,

F_r - ҳисобланадиган фойда

$$\Delta F = F_r - F \quad (1.2)$$

1. Амалиётда катта ҳажмдаги зарар эҳтимоллиги нолга тенг

Албатта рискнинг қайсидир даражасини қабул қилиш мураккаб жараён, чунки улар барча тур рисклар учун мувофиқ келмаслиги мумкин. Аммо улар тадбиркорлик рискларининг ўзгариш қонуниятларини тўғри акс эттиради ва гипотезага асосланади¹³.

Фойда олиш эҳтимоллиги эгри чизигидан келиб чиқиб, фойдани эҳтимолий зарарлар тақсимолининг эгри чизигини қурамыз. (1.3.1 – расм)


Фойданинг эҳтимолий зарарлар тақсимоли эгри чизиги да акс эттирилган бир қатор характерли нуқталарни ажратиб кўрсатамиз.

Биринчи нуқта ($\Delta \Phi=0$ ва $B=B_p$) фойданинг зарар эҳтимоллиги нолга тенг эканлигини кўрсатади.

Иккинчи нуқта ($\Delta \Phi=\Phi_p$ ва $B=B_0$) эҳтимолий зарарлар ҳажми кутилаётган фойдага тенг эканлигини характерлайди.

¹³ А.А.Томпсон, Адж. Стрикленд. “Стратегический менеджмент” М., “Банки и биржи”. С 34. 2002.

1 ва 2 - нуқталар йўл қўйилиши мумкин бўлган риск ҳудуди ҳолатини аниқловчи чегаравий нуқталар ҳисобланади 1.3.2-расм.



1.3.2 - расм. Фойданинг эҳтимолий зарарлар тақсимоли эгри чизиғи

Учинчи нуқта ($\Delta \Phi = BP$ ва $B = B_{кр}$) зарарлар ҳажми мувофиқ равишда B_p тушумга тенг эканини кўрсатади. Бу каби зарарлар эҳтимолиги $B_{кр}$ га тенг.

2 ва 3 - нуқталар жиддий риск ҳудуди чегарасини аниқлайди.

4 - нуқта ($\Delta \phi = IC$ ва $B = B_{км}$) тадбиркорнинг мулкӣ ҳолатига тенг бўлган зарарларни характерлайди, унинг эҳтимолиги $B_{кр}$ га тенг.

3 ва 4 - нуқталарда фожиали риск ҳудуди жойлашади.

Корхонанинг мулкӣ ҳолатидан ошиб тушадиган зарарлар кўриб чиқилмайди ва уларни талаб қилиш мумкин эмас. Кутилаётган риск ҳақида мулоҳаза юритишга имкон берувчи зарарлар эгри чизиғи муҳим кўрсаткич ҳисобланади, шунинг учун қурилган эгри чизиқни риск эгри чизиғи деб аташ ҳам мумкин.

Масалан, агар фожиали зарарлар эҳтимолиги кўрсаткичи ўта юқори хавф ҳақида маълумот берса, эҳтиёткор тадбиркор бу каби ишдан воз кечади ва рискка бормайди.

Шундай экан, тадбиркорлик фаолиятида рискни баҳолаш жараёнида риск эҳтимоллиги эгри чизигининг ҳамма нуқтасини куриш шарт эмас, балки тўртта характерли нуқтани куриб олиш, бу рискни баҳолашни муваффақиятли амалга оширилганидан дарак беради.

Риск кўрсаткичлари - $B_p, B_{кр}, B_о, B_{км}$ ларни билиш тадбиркорлик тўғрисидаги қарорларни қабул қилишга имкон беради. Аммо тадбиркорлик қарорларини баҳолаш учун рискнинг кўрсаткичларини баҳолаш етарли эмас.

Корхона риск кўрсаткичларини белгилашда қуйидаги параметр моҳиятига аҳамият қаратса мақсадга мувофиқ бўлади.

Унга кўра $K_о = K_{кр} = 0,01$, $K_{км} = 0,001$ бу кўрсаткичларни тадбиркорлик рискларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин бўлган рискнинг чегаравий нуқтасини умумий шартлари сифатида қабул қиламиз.

А. Риск кўрсаткичидан ортиб кетмаслиги керак.

Б. Жиддий риск кўрсаткичи ҳажмидан кичик бўлиши керак.

В. Фожиали риск даражасидан юқори бўлмаслиги керак.

Шу билан биргаликда бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятини ривожлантириш учун қарорлар қабул қилишда риск элементларини ҳисобга олиш зарурати ҳам ортиб боради. Қарорни қабул қилиш учун ҳар бир лойиҳа қандай характерга эга эканлиги, хавф-хатар мезонларида қандай кўрсаткичлардан фойдаланганлигига ҳам эътибор қаратилади. Энг яхши лойиҳани асослашни кутилаётган фойданинг матрицали таҳлили асосида амалга ошириш мумкин. Риск асосидаги лойиҳа T_u бўйича кутилаётган фойданинг математик ифодаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$T_i = \sum_{i=1}^m S_i \cdot E_i \quad (3.8)$$

бу ерда:

s_i - и йилдаги иқтисодий самарадорлик,

E_i - и йилдаги иқтисодий самарадорликка эришиш эҳтимоллиги.

Кутилаётган фойданинг четланиш эҳтимоллигини ҳисоблаш учун келгуси фойданинг тақсимланиш дисперсиясидан фойдаланилади. Ҳар бир лойиҳа учун дисперсия қуйидаги кўринишда аниқланади:

$$D_i^2 = \sum_{i=1}^m E_i (S_i - T_i)^2 \quad (3.9)$$

бу ерда:

D_i^2 - лойиҳа бўйича фойданинг тақсимланиш дисперсияси, $i=1,2,3,\dots,n$

Стандарт четланиш K_u қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Q_i = \sqrt{\sum_{i=1}^m E_i (S_i - T_i)^2} \quad (3.10)$$

бу ерда:

Q_i - лойиҳа бўйича фойдадан ўртача квадратик четланиш,

Энди юқоридаги фикрларимизни қуйидаги мисол ёрдамида асослаймиз.

Корхонада учта инвестицион лойиҳа мавжуд ва уларнинг 10 йил давомидаги C_u - u йилдаги иқтисодий самарадорлиги, E_u - u йилдаги иқтисодий самарадорликка эришиш эҳтимоллиги жадвалда келтирилган (1.3.1 - жадвал)

1.3.1 - жадвал

Инвестицион лойиҳаларни иқтисодий самарадорликка эришиш эҳтимоллиги

Лойиха индекси	1-й	2-й	3-й	4-й	Кутилаётган фойда	Хавф-хатар
	$\Theta_1=0,4$	$\Theta_2=0,1$	$\Theta_3=0,2$	$\Theta_4=0,3$		
1	50	40	130	30	59	36,45
2	40	50	150	20	57	47,55
3	70	60	130	10	63	41,96

1, 2, 3 - лойихалар бўйича кутилаётган фойда (1) формуладан фойдаланиб топилади.

$$T_1 = 50 \cdot 0,4 + 40 \cdot 0,1 + 130 \cdot 0,2 + 30 \cdot 0,3 = 59$$

$$T_2 = 40 \cdot 0,4 + 50 \cdot 0,1 + 150 \cdot 0,2 + 20 \cdot 0,3 = 57$$

$$T_3 = 70 \cdot 0,4 + 60 \cdot 0,1 + 130 \cdot 0,2 + 10 \cdot 0,3 = 63$$

1-2-3-лойихалар учун хавф-хатар аҳамияти (2) формуладан фойдаланиб аниқланади.

$$D_1 = 50 \cdot 0,4 + 40 \cdot 0,1 + 130 \cdot 0,2 + 30 \cdot 0,3 = 59$$

$$D_2 = 40 \cdot 0,4 + 50 \cdot 0,1 + 150 \cdot 0,2 + 20 \cdot 0,3 = 57$$

$$D_3 = 70 \cdot 0,4 + 60 \cdot 0,1 + 130 \cdot 0,2 + 10 \cdot 0,3 = 63$$


Лойихаларнинг хавф-хатар аҳамияти дисперсия орқали аниқланади:

$$D_1^2 = \sqrt{1359} = 36,45$$

$$D_2^2 = \sqrt{2261} = 47,55$$

$$D_3^2 = \sqrt{1760} = 41,96$$

Юқорида келтирилган маълумотларни график кўринишида қуйидагича акс эттириш мумкин.



**1.3.3- расм. Ишлаб чиқаришга жорий этилаётган лойиҳаларнинг
кутилаётган фойдалилиги ва уларнинг хавф даражаси**

График ва ҳисоб китоб натижаларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқаришга 1 - лойиҳани киритишдан кутиладиган фойда даражаси юқори, хавф-хатар даражаси анча пастдир. Демак, дисперсия даражаси қанчалик юқори бўлса, ушбу лойиҳа ўта рискли ҳисобланади.

II БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Наманган вилоятининг ижтимоий иқтисодий ривожланишида саноат корхоналарининг ўрни

Маълумки, сўнгги йилларда жаҳондаги иқтисодий тараққиёт глобал молиявий инқирознинг таъсири остида содир бўлди. Президент И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида молиявий инқирознинг таъсири ва салбий оқибатларини тадқиқ этган ҳолда, мамлакатимиз шароитларида унинг таъсирини бартараф этиш чораларини асослаб берди. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларида иқтисодиёт ривожланишининг энг долзарб масалалари чуқур таҳлил қилинди ва устувор вазифалар кўрсатиб берилди. Мамлакатимизда жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар вилоятлар даражасида ҳам ўзининг салмоқли натижаларини намоён қилмоқда. Макроиқтисодий тадбирлар натижалари биринчи навбатда ҳудудлар ривожланишидаги ижобий тенденциялар кўринишида юзага чиқмоқда.

Ҳудудларнинг иқтисодий тараққиёти улардаги инвестицион жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ. Чунки иқтисодий ривожланишнинг жорий

натижалари ўтган даврдаги инвестицияларнинг оқибати бўлса, келажакдаги натижалар жорий давр инвестицияларининг ҳажми, таркиби ва оқилона олиб борилишига боғлиқ бўлади. Мамлакатимизни жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсиридан муҳофаза қилишга қаратилган ва изчил равишда бажариб келинаётган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифалар ўз моҳияти бўйича инвестицион жараёнларнинг изчил амалга оширилишга ва фаоллаштиришга қаратилгандир.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 29 январ куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгилаб берилган 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширилиши шунингдек, Инқирозга қарши дастур доирасида қабул қилинган қатор Ҳукумат қарорлари бўйича белгиланган топшириқларни бажарилиши натижасида 2010 йил якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2010 якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ўсиш суръати олдинги йилга нисбатан 12,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 23,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,5 фоиз, капитал қуйилмалар 3,9 фоиз, қурилиш ишлари 31,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 20,0 фоиз ва пуллик хизматлар ҳажмини 16,1 фоизга ўсишига эришилди.

ЯҲМдаги саноатнинг улуши 7,2 фоизни (2009 йилда 7,1%), қурилиш 7,1 фоизни (7,3%), қишлоқ хўжалиги 34,1 фоизни (33,8%), транспорт ва алоқа 8,1 фоизни (7,9%), бошқалар 35,2 фоизни (35,3%) ташкил этди. Шунингдек,

кичик бизнеснинг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши 76,0 фоизга (72,4%) тўғри келди (2.1.1- жадвал)

2.1.1-жадвал

Наманган вилоятида ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Кўрсаткичлар	2009 йил январ-декабр				2010 йил январ-декабр			
	ҳажми, млрд. сўм	ўсиш суръати, %	структура, %	дефлятор %	ҳажми, млрд. сўм	ўсиш суръати, %	структура, %	дефлятор %
Ялпи худудий маҳсулот	1863,4	109,9	100,0	117,0	2426,6	112,4	100,0	115,3
<i>шу жумладан:</i>								
Саноат ишлаб чиқариш	131,5	107,6	7,1	115,3	173,8	119,0	7,2	115,7
Қурилиш	135,9	115,7	7,3	120,3	171,4	131,3	7,1	108,1
Қишлоқ хўжалиги	630,1	103,8	33,8	115,1	827,0	106,5	34,1	122,2
Транспорт ва алоқа	147,2	105,7	7,9	119,8	196,5	111,8	8,1	109,2
Савдо ва умумий овқатланиш	159,5	112,0	8,6	109,0	200,9	114,2	8,3	112,5
Солиқлар	134,6	112,9	7,2	102,5	130,2	115,7	5,4	102,2
Бошқалар	72,1	122,7	28,1	112,3	726,7	115,2	29,9	144,8
<i>шу жумладан;</i>								
ЯҲМ даги кичик бизнеснинг улуши	х	х	72,4	х	х	х	76,0	х
ЯҲМ даги хизматлар улуши	х	х	44,6	х	х	х	46,3	х

Вилоятда молиявий барқарорликни таъминлаш, тўлов интизоми ҳамда пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, 2010 йил январ-декабр ойлари якуни билан барча манбалар ҳисобидан 206,5 млрд.сўмлик кредитлар берилиб, бу кўрсаткич 2009 йилнинг

шу даврига нисбатан 1,2 мартага ўсди. Ажратилган кредитларнинг 148,7 млрд.сўми ёки 72,0 фоизи узоқ муддатли кредитдир.

Вилоятда 2010-2014 йилларга мўлжалланган бюджет дотациясини қисқартириш ҳудудий Дастурини ижросини таъминлаш мақсадида белгиланган чора-тадбирлар асосида иш олиб борилмоқда.

Натижада вилоятда ҳисобот даврида маҳаллий бюджет даромадлари 612,4 млрд.сўмни, бюджет харажатлари 612,4 млрд.сўмни ташкил этиб, белгиланган бюджет даромадлари прогнози бажарилди.

Дотация миқдори 156,6 млрд.сўмни, маҳаллий бюджет харажатидаги улуши эса 25,6 фоизни (2009 йилда 27,1% бўлган) ташкил этиб, прогнозга нисбатан 0,9 пунктга камайтиришга эришилди (прогноз 26,5%).

Дотация улуши асосан Янгиқўрғон (38,1%), Норин (36,4%), Чортоқ (35,1%), Мингбулоқ (35,0%) ва Косонсой (32,3%) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Шунингдек, маҳаллий бюджет олдидаги боқиманда қарзлар вилоят бўйича 26,5 млрд.сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 2,1 млрд.сўмга (92,5%) камайтирилган бўлсада, қарздорлик Наманган шаҳри (9,0 млрд.сўм), Учқўрғон (2,7 млрд.сўм), Уйчи (2,0 млрд.сўм), Поп (1,7 млрд.сўм), Тўрақўрғон (1,6 млрд.сўм) ва Норин (1,5 млрд.сўм) туманларида юқори бўлди.

2010 йилнинг 1 декабр ҳолатига вилоят бўйича жами дебиторлик қарздорлик 130,0 млрд.сўмни ташкил этди. Муддати ўтган қарздорлик эса 2,0 млрд.сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 1,0 млрд.сўмга камайтиришга эришилди.

Жумладан, муддати ўтган дебитор қарзларни камайиши шу даврда Наманган шаҳри, Наманган, Мингбулоқ, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида таъминланди (5,0-92,5%), Косонсой, Уйчи ва Учқўрғон туманларида мавжуд муддати ўтган қарздорликларни тўлиқ тугатилди.

2.1.2.-жадвал

Наманган вилоятининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлар

млн.сўм

Кўрсаткичлар номлари	2009 йил ҳақиқатда	2010 йил		2009 йилга нисбатан %да	2011 йил 1-чорак	
		прогноз	Ҳақиқат- да		прогноз	2010 й. 1-чоракка нисб. ўсиш суръати
2	4	5	6	7	8	9
Маҳаллий бюджет даромадлари	482899,2	604881,0	612359,7	126,8	154374,9	127,6
<i>шу жумладан, дотация</i>	<i>128870,7</i>	<i>156650,5</i>	<i>156649,8</i>	121,6	<i>5785,0</i>	25,2
Маҳаллий бюджет харажатлари	474999,8	604881,8	612359,6	128,9	154374,9	120,2
<i>шу жумладан:</i>						
ижтимоий-маданий тадбирлар	336708,077	446127,7	449804,8	133,6	109430,1	121,1
ижтимоий ҳимоя	80035,158	95984,0	95984,0	119,9	26011,4	119,7
инвестициялар	24413,104	17717,2	17932,2	73,5	7934,3	169,2
бошқа харажатлар	33843,4303	45052,8	48638,5	143,7	10999,1	94,3

Ҳисобот даврида муддати ўтган кредитор қарзлар вилоят бўйича 4,2 млрд.сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 1,3 млрд.сўмга қисқарди. Жумладан, Наманган шаҳри, Мингбулоқ, Косонсой, Наманган, Поп, Тўрақўрғон ва Учқўрғон туманларида қарздорликни камайтиришга ҳамда Уйчи, Янгиқўрғон туманларида тўлиқ тугатишга эришилди.

Ҳисобот даврида умумий кредитор қарздорлик 144,4 млрд.сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 55,3 млрд.сўмга (162,1%) ортди. Шунингдек, муддати ўтган кредитор қарздорлик Норин туманида 55,6 млн.сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 107,3 фоизга (туман "Машина трактор парки" (47,5 млн.сўм) ва "Матлубот улгуржи чакана сввдо" АЖ (8,1 млн.сўм) корхоналари ҳисобига), Чортоқ туманида 65,6 млн.сўм ёки 2 марта (туман "Йўл қурилиши ва йўлдан фойдаланиш" корхонаси ҳисобига) ва Чуст туманида 32,8 млн.сўм (туман "Машина трактор

парки" (4,5 млн.сўм) ва "Рау-Томъ" қ.к (28,2 млн.сўм) корхоналари ҳисобига ўсган.

2.1.3-жадвал

Наманган вилоятида ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланиш динамикаси

(млн.сўм)

Кўрсаткичлар номлари	2009 йил ҳақиқатда	2010 йил		2009 йилга нисбатан %да	2011 йил 1-чорак	
		прогноз	ҳақиқатда		прогноз	2010 й. 1-чоракка нисб. ўсиш суръати
Аҳоли жон бошига ЯММ (минг сўм)	830,0	1033,3	1062,3	110,4	155,5	107,0
Саноат маҳсулотлари ҳажми	534531,2	670046,2	748671,4	123,7	182820,0	112,5
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	329546,7	414520,0	441874,7	115,5	99706,0	110,5
Кишлоқ хужалиги ялпи маҳсулоти	909982,7	1075200,0	1162933,0	106,5	71535,7	105,0
Капитал қуйилмалар ҳажми	478242,4	473930,1	554002,2	103,9	89357,4	102,3
Пудрат ишлари ҳажми	236713,7	315588,0	340901,7	131,3	60937,3	109,0
Чакана савдо айланмаси	990799,2	1257400	1318801,6	120,0	385000	112,1
Пуллик хизмат курсатиш ҳажми	337247,4	433500	434017,0	116,1	126000	112,5
шу жумладан, маиший хизмат ҳажми	67788,4	85000	87726,7	122,5	25586,9	110,0

Вилоятда 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатдан ўтган саноат корхоналари сони 2316 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 1918 тани ташкил этди. Рўйхатдан ўтган саноат корхоналар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 118,2 фоизга ёки 345 тага кўпайди.

Вилоятда саноатнинг етакчи тармоқларидан енгил саноатда тўқимачилик, пахта тозалаш, пойабзал, мебел ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқларига қарашли корхоналар ривожланиб, саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда салмоқли хиссаларини кўшиб келмоқда.

Жумладан, ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари металлургия саноатида 1547,0 млн.сўмни (ўсиш суръати 172,8%), машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноатида 58,7 млрд.сўмни (2,5 марта), ёғочни қайта ишлаш саноатида 17,8 млрд.сўмни (140,2%), қурилиш материаллари саноатида 31,5 млрд.сўмни (147,8%), енгил саноат тармоғида 333,2 млрд сўмни (119,0%), озиқ-овқат саноатида 204,4 млрд.сўмни (115,1%), дон маҳсулотлари саноатида 73,3 млрд.сўмни (111,2%), полиграфия саноати 1328,4 млн.сўмни (156,3%) ташкил этган ҳолда умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори салмоғи енгил саноат (44,5%) ва озиқ-овқат саноати (27,3%) тармоқлари ҳиссасига тўғри келди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар томонидан 479,7 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,1 фоизга ўсди. Йирик саноат корхоналарининг умумий ишлаб чиқаришдаги салмоғи 64,1 фоизни ташкил этиб, қолган қисми кичик (12,8%) микрофирмалар (6,6%) уй хўжалиги ва яқка тартибдаги хусусий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келди.

2.2. Саноат корхоналарида Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш Наманган вилояти тўқимачилик тармоғи корхоналарида иқтисодий таваккалчилини мақбуллаштириш омили сифатида

Мамлакат иқтисодиётида тўқимачилик тармоғи корхоналарининг ўзига хос ўрни мавжуд. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибида бешта тармоқ мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Тўқимачилик тармоғи
2. Тикувчилик тармоғи
3. Трикотаждар тармоғи
4. Чинни буюмлар тармоғи
5. Инфратузилма корхоналари.

Ушбу компаниянинг тўқимачилик тармоғида 62 та корхона бўлиб, уларнинг 10 таси Наманган вилоятида жойлашган. Ушбу корхоналар ичида «Нотўқимачи» акциядорлик жамияти ўзига хос ўринга эгадир.

«Нотўқимачи» акциядорлик жамияти 1933 йилдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган бўлиб, 1994 йил акциядорлик жамиятига айлантирилган. «Нотўқимачи» акциядорлик жамиятида ҳозирги вақтда 1200 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бу корхона вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига катта ҳисса қўшиб келяпти.

«Нотўқимачи» акциядорлик жамияти йилига 400-450 миллион сўм миқдорида ялпи маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Акциядорлик жамияти йилига 8254 погон метр нотўқима газламалар, 1496 погон метр ватин, 1370 погон метр сунъий мўйна, 1094 сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга эришган. Корхонада ишловчиларнинг меҳнат унумдорлиги 4736 минг сўмга тенг бўлиб, янада орттиришга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирги вақтда эни 184 см бўлган 911246 артикулдаги нотўқима мато, эни 100 см га тенг бўлган Вольтекс ҳамда Кунит артикулидаги матолар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада учта ишлаб чиқариш мавжуд бўлиб, уларнинг иккитасида нотўқима матолар ва биттасида сунъий мўйна ишлаб чиқарилмоқда.

2.2.1-жадвал

«Нотўқимачи» Акциядорлик жамиятида акцияларнинг тақсимооти

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Жами устав жамгармаси	минг сўм	512109
2	Акциядорлар сони	дона	1138020
3	Акциянинг номинал баҳоси	сўм	450
4	Давлат улуши (25 %)	дона	284505
5	Ҳуқуқий шахслар улуши (57,17%)	дона	620525
6	Чет эл инвесторларининг улуши (8,01%)	дона	91208
7	Жамоа улуши (9,82%)	дона	111782

Мамлакат енгил саноат тармоғида «Нотўқимачи» акциядорлик жамиятининг улуши 5,2% га тенгдир. Демак, енгил саноатнинг ривожланишида ушбу корхона 5,2 фоиз ҳиссага эга. «Нотўқимачи» акциядорлик жамиятида фойдаланилаётган дастгоҳлар ва асбоб ускуналарнинг катта қисми узоқ муддатдан бери ишлаб келаётган дастгоҳлардир. Улардан охириги беш йил ичида биронтаси ҳам янгилангани йўқ, 10 йилгача бўлган муддатда 3 % қолган барча дастгоҳлар 20 йилдан ортиқ хизмат муддатига эга. Корхонада мавжуд дастгоҳларнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 3800-4000 тонна пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга.

«Нотўқимачи» акциядорлик жамиятида асосан тўқима мато ишлаб чиқаришга мослашган АЧВ русумли тўқув агрегатлари ўрнатилган. Барча дастгоҳ ва жиҳозлар 1980-1986 йилда Россияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлардир (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

«Нотўқимачи» АЖ да ўрнатилган дастгоҳлар тўғрисида маълумот

Т.р	Дастгоҳлар номи	Русуми	Миқдори	Ишлаб чиқарилган	Бошланғич нархи
-----	-----------------	--------	---------	------------------	-----------------

				йили	
1	Тараб–тикиш агрегати	АЧВ-5	1	1990	35400
		АЧВ-4	1	1989	21346
		АЧВ-3	30	1979	568080
		АЧВ-2	12	1980	139236
		АЧВ-2	2	1980	54911
		АЧВ-180-2	8	1980	149952
2	Сифат назорат машинаси	БСМ-170	8	1967	254463
3	Давралаш машинаси	Фаворит	6	1986	74670
		Текстима	6	1986	24860
4	Ўраш машинаси	МТ-2	1	1987	48867
5	Саваш машинаси	Т-16	2	1986	42000
		МТМ-240	2	1993	38910
		МТ	3	1986	29140
6	Титиб-тозалаш машинаси	АВ-5В	3	1985	23820
		ШС-140-3	1	1983	7920
		ШС-140-3	2	1992	680000
7	Таъминловчи-аралаштирувчи машина	П-5	2	1984	7026
		АГ-37	3	1985	4137
8	Оғма тозалаш машинаси	ОН-6-3	1	1984	5668
9	Вертикаль титиш машинаси	ВР-1	1	1964	1396
10	Пневматик тақсимловчи	РВП-2	2	1974	10750
11	Тақсимловчи барабан	РВЧ-1	1	1968	4631
12	Чиқиндии тозалаш машинаси	УО-1	1	1973	1714
13	Чангютгич	ПВО	1	1971	1714
14	Ватин ютгич	МВП	2	1993	90210
15	Тараш машинаси	ЧВПО-600	3	1986	118621
16	Бункер	БЧМ	4	1986	77600
17	Таъминловчи машинаси	П-1	4	1992	1700000
		П-5	1		

Изоҳ: Жадвал «Нотўқимачи» АЖ маълумотлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, акциядорлик жамиятининг асосий воситалари асосан жисмоний ва маънавий жихатдан эскирган дастгоҳлардан иборат. Бу эса корхонада ишлаб чиқариш таваккалчилиги билан боғлиқ хатарларни янада кучайтиради. Айти пайтдаги,

мамлакатимиздаги модернизациялаш жараёнлари айнан ишлаб чиқариш корхоналарининг мавжуд қувватларини янгиланиши ва замонавийлаштирилиши билан боғлиқ. Демак, корхона ўз ишлаб чиқариш қувватларини янгиллаши билан бир қаторда уни замон талаблари асосида, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот яратиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи замонавий техника ва технологияларни жорий этиб бориши зарур.

Агарда ахвол шу тарзда давом этса корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талаб ички ва ташқи бозорда кескин тушиб кетиши эҳтимоли ўта юқори бўлиб бораверади.

Корхонада таваккалчилик хавфини камайтиришнинг энг оқилона усулларида бири ҳисобланувчи ишлаб чиқарилётган маҳсулот таркибини диверсификациясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхонада 1996 йили сунъий мўйна ишлаб чиқариш цехи ишга туширилган, ундаги асосий дастгоҳлар Германиянинг «Текстима» фирмасидан сотиб олинган. Корхонада бир ишлаб чиқариш цехида йилига 3500 минг погон метр газлама мато, 3300 погон метр ватин матоси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 59 та тўқув дастгоҳлари ўрнатилган. Ушбу бўлимда 911246 артикулдаги мато, халқасимон мато ва ватин матоси ишлаб чиқарилади. Бу бўлимдаги дастгоҳларнинг ёши тахминан 25 да. Иккинчи ишлаб чиқариш цехида йилига тахминан 6500 погон метр газлама ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 70 та тўқув дастгоҳлари ўрнатилган. Бўлимда 911246, 911244 артикулидаги матолар ишлаб чиқарилади. Бу бўлимда ўрнатилган дастгоҳлар ҳам ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган, аммо уларнинг унумдорлик даражалари биринчи ишлаб чиқариш цехидан юқорироқдир. Уларнинг ишлаб чиқарилган санаси ҳам биринчи ишлаб чиқаришдагиларга қараганда яқинроқдир.

(2.2.3-жадвал)

2.2.3-жадвал

**«Нотўқимачи» АЖ нинг 2- ишлаб чиқариш цехидаги дастгоҳлар
тўғрисида маълумот**

Т.р	Дастгоҳлар номи	Русуми	Миқдори	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич нархи
1	Тараб–тикиш агрегати	АЧВ-4 АЧВ-3 АЧВ-2 АЧВ-5	59 7 3 1	1986 1986 1986 1990	1789800 70490 56232 35400
2	Бункер	БЧМ	70	1986	120332
3	Титиб улаш агрегати	У-52	2	1986	11044
4	Момиқ ва чанг тозалагич	НПП-2	1	1985	2446
5	Давралаш машинаси	Текстима	10	1986	136895
6	Саваш машинаси	МТ-2	1	1986	12180
7	Титиш машинаси	РКУ-2У	32	1985	286528
8	Ютиш бункери	ДБУ	16	1985	71155
9	Аралаштириш-намлаш машинаси	ПЗУ-6	4	1985	10720
10	Аралаштириш машинаси	МСП-8	6	1985	44207
11	Қия тозалагич	ОН-6-4М	8	1985	44207
12	Горизонтал тозалагич	40-У	4	1985	7908
13	Тола тақсимлагич	РВП-2	4	1985	21656
14	Саваш машинаси	МТБ	8	1986	85880
15	Чиқинди машинаси	УО-1	1	1986	146634
16	Аралаштирувчи машина	СН-3У	8	1986	7576
17	Қоплаш машинаси	МНШ-48	2	1986	2260
18	Чиқиндилар учун пресс	ПУ-1	1	1986	2160
19	Конденсор	КБ-3	3	1986	2901
20	Пресс	АРО-1	2	1986	22964
21	Ўлчаш ва назорат машинаси	МКМ	4	1986	20716
22	Филтр	ФСБМ	57	1986	57798

Изоҳ: Жадвал «Нотўқимачи» АЖ маълумотлари асосида тайёрланди.

Корхонадаги учинчи бўлим-бу сунъий мўйна бўлиmidир. Бу бўлимда йилига 1000 погон метр мато ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 4 та тўқув дастгоҳлари ўрнатилган. Бўлимда сунъий мўйна матоси (вольтекс, кунит) ишлаб чиқарилади. Ўрнатилган дастгоҳларнинг жисмоний ҳолати яхши даражада. Уларнинг ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлиб, бугунги кун

талабларига тўла жавоб беради, ҳамда уларда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуддир.

Корхонада бугунги кунда жуда катта ишлаб чиқариш қуввати бўлиб, улардан фойдаланиш даражаси паст бўлиб қолмоқда, яъни бугунги кунда корхонада қувватлардан фойдаланиш даражаси 65-70% ни ташкил қилмоқда. Ўрнатилган дастгоҳларнинг баъзи бирлари бўш туриб қолмоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабаблари аниқланди. Улар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни бозор талабларидан ортда қолиши. Юқори унумдорликда ишлайдиган сифатли маҳсулот ҳисобланган сунъий мўйна ва ватин матоларига етарли даражада талаб йўқлиги туфайли уларни ишлаб чиқариш вақтинча тўхталганлиги. Шу билан биргаликда корхона маҳсулотининг нархини юқорилаб кетиши ҳам талабга таъсир кўрсатди.

2. Корхонада ишлаб чиқариладиган харидоргир маҳсулотлар учун зарур бўлган хом ашё ва бутловчи қисмларнинг етишмаслигидир. Нотўқима мато учун зарур бўлган пахта толаси билан таъминлашда узилишлар бўлмоқда. Сунъий мўйна маҳсулотини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган вольтекс ва кунит хом ашёсини фақатгина Бухоро ва Навоий вилоятларидаги корхоналарда мавжудлиги боис, уларни келтиришда маълум қийинчиликлар содир бўлмоқда. Техник жиҳозлар учун зарур бўлган чидамли бутловчи қисмларни топишда қийинчиликлар мавжуд. Чунки, бу қисмларнинг кўпчилиги Россияда ишлаб чиқарилади. Уларни келтириш қўшимча маблағ талаб қилади.

3. Корхонада фойдаланиладиган дастгоҳларнинг иш унумдорлиги умуман паст. Чунки, уларнинг аксарият қисми жисмоний жиҳатдан эскидир.

4. Малакали ходимларнинг етишмаслиги. Бугунги кунда корхонада ишлаётган ходимларнинг 15-20 % олий маълумотли мутахассислар бўлса, 25-30% ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислардир.

Корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси (2.2.4- жадвал)да келтирилган.

2.2.4- жадвал.

«Нотўқимачи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси.

№	Корхона бўлимлари	Ўлчов бирлиги	Ўрантилган қуввати	Режа	Ҳақиқатда	Қувватдан фойдаланиш
1	1-ишлаб чиқариш цехи	кв м	6486	6450	5593	86,7
2	Ватин цехи	кв м	5144	4515	742	16,4
3	2-ишлаб чиқариш цехи	кв м	11591	11505	9214	80,1
4	Сунъий мўйна	кв м	833	833	-	-
	Жами	кв м	18910	18788	14807	78,8

Изоҳ: Жадвал корхона маълумотлари асосида тайёрланган.

Корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси пасайиб бормоқда ва ҳозирги вақтда 78.8 %ини ташкил қилмоқда. Бунинг сабабларидан бири сунъий мўйнанинг ишлаб чиқарилишдан вақтинча тўхтатилганлигидир.

Ушбу ҳолатларнинг ҳамда корхонадаги технологик ресурслардан самарасиз фойдаланиш, хом ашё етишмовчилиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг истеъмолчи талабларига етарли даражада жавоб бермаганлиги оқибатида юз бормоқда. Иқтисодий ресурслардан фойдаланишда ҳам камчиликлар мавжуд. Бунда ушбу ресурсларни

таъминлаб берувчи ташкилотлар билан муносабатларга эътибор бериш лозим. Ўтган йиллар давомида «Нотўқимачи» АЖ ўз фаолияти учун зарур бўлган ресурсларни «Ўзбекпахтасаноат», «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Намангангазтаъминот» бошқармаси, «Наманган сувоқава» ишлаб чиқариш корхонаси, «Ўзбекнефтеснабсбит», «Навоийазот» корхонаси ҳамда бошқа хусусий фирмалар ва тадбиркорлардан олди. Бу ҳақдаги маълумотлар (2.2.5-жадвал)да берилган.

2.2.5-жадвал

«Нотўқимачи» АЖнинг таъминотчилари

Т.р	ЗАРУРИЙ ХОМ АШЕ ВА МАТЕРИАЛЛАР	ТАЪМИНОТЧИЛАР
1	Пахта толаси	«Ўзбекпахтасаноатсотиш»
2	Калава ип	«Ўзбекенгилсаноат» ДА корхонаси
3	Вольтекс ва кунит	«Навоий азот»
4	Электроэнергия	«Ўзбекэнерго»
5	Газ	«Намангангазтаъминот»
6	Сув	«Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонаси
7	Ёқилғи мойлаш материаллари	«Ўзбекнефтеснабсбит»
8	Ёрдамчи материаллар	Хусусий фирмалар ва тадбиркорлар

Изоҳ: «Нотўқимачи» маълумотлари асосида тайёрланди.

«Нотўқимачи» АЖ нинг иқтисодий хўжалик фаолиятини, унда таваккалчиликни бошқариш билан боғлиқ омилларни ўрганганимизда уни кучли ва кучсиз томонларини аниқлашга алоҳида эътибор бердик. Чунки, корхонадаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини самарали ҳолда амалга ошириш, хатар даражасини камайтириш учун фаолияти нисбатан самарасиз

бўлган томонларни ўрганиб, таҳлил қилиб, уларни самарали фаолиятини таъминлашга эришиш лозим. қуйидаги корхонадаги турли бўлимлар ҳолатини аниқлаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

«Нотўқимачи» АЖ даги иқтисодий хўжалик фаолиятининг 20 та кўрсаткичи бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Улардан фақат иккитасигина кучли томонлар деб эътироф қилинди. Улар маҳаллий ҳом ашёлардан фойдаланиш ҳамда ишчилар ва касаба уюшмаларининг алоқаларидир.

Шу билан бирга корхона сотув каналларини кенгайтириш, бозорда илмий изланишлар олиб бориш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, маҳсулот турлари диверсификациясини ташкил этиш, унинг янги турдаги ассортиментларини таклиф этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, янги турдаги инновацион маҳсулот яратиш имкониятлари мавжудлиги аниқланди. Корхона фаолияти яхшилаш унда мавжуд иқтисодий ва молиявий хатарларни олдини олиш кўп жиҳатдан юқорида санаб ўтилган омиллар билан боғлиқ. Шундай экан, корхонада бошқарув структурасида муайян ўзгариш орқали юқорида санаб ўтилган тадбирларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Корхонадаги 1-ишлаб чиқаришдаги фаолият, мавжуд дастгоҳларнинг ҳолати, ҳом ашёларни сотиб олиш даражаси ва корхона маҳсулотлари нархларининг рақобатбардошлилиги кўрсаткичлари нисбатан заиф томонлар эканлиги аниқланди. Корхонада амалга ошириладиган тадбирлар ва илмий изланишлар мана шу томонларга йўналтирилиши лозим. 1-ишлаб чиқаришдаги ҳолат дастгоҳларнинг жисмоний эскиргани натижасида келиб чиққан бўлиб, унинг натижасида маҳсулот таннархи ортиб кетган ва нархни рақобатбардошлилиги тушиб кетган.

2.2.6-жадвал

«Нотўқимачи» АЖда хатар даражасини “SWOT” матрицаси орқали таснифлаш

Т.р	Кўрсаткичлар	Заиф томонлар	Тахдидлар	Кучли томонлар	Имкониятлар
	I. Ишлаб чиқариш				
1	Корхона кўлами:				
	1- ишлаб чиқариш	+			
	2- ишлаб чиқариш		+		
2	Дастгоҳлар ҳолати	+			
3	Ишлаб чиқариш ҳолати		+		
4	Меҳнат сифати ва меҳнатга талаб			+	
5	Сифат		+		
6	Маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш				+
7	Хом ашёни сотиб олиш даражаси	+			
8	Ишлаб чиқариш қуввати		+		
9	Ишчилар ва касаба уюшма алоқаси			+	
10	Бошқарув ва ишчилар алоқаси		+		
	II. Маркетинг				
1	Сотув каналлари				+
2	Маҳсулот сифати				+
3	Бозор изланишлари				+
4	Маҳсулот ҳилма-ҳиллиги				+
5	Нархни рақобатбардошлилиги	+			
	III. Илмий изланишлар				
1	Корхонанинг техник имкониятлари				+
2	Янги маҳсулот инновацияси				+
	IV. Бошқарув				
1	Бошқарув фаолияти				+
2	Давлат структуралари билан алоқа				+
3	Молиявий ресурслар				+

Изоҳ: Олиб борилган кузатишлар натижасида тайёрланди.

Демак, корхона раҳбарияти ва иқтисодчилари олдида турган энг долзарб масала – мавжуд дастгоҳларни янги, юқори унумли ва кам сарф-ҳаражат талаб этадиганларини топиш ҳамда уларни жадал тарзда ишлаб чиқаришда қўллашдир. Ушбу вазифанинг ниҳоятда зарурлигини Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари ва 2007 йилда

иқтисодиёт ривожининг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтди.

Корхонанинг энг муҳим қатор кўрсаткичлари, шу жумладан, маҳсулот сифати, ишлаб чиқаришнинг ҳолати, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, маҳсулот сотиш каналлари, бозор изланишлари, корхонанинг техник имкониятлари, янги маҳсулот инновацияси, бошқарув фаолияти, молиявий ресурслардан фойдаланиш сингари кўрсаткичлар ва улар асосидаги йўналишларда ўрта даражада фаолият юритилмоқда. Бу соҳаларда ҳам изланишлар олиб бориш ҳамда аҳволни яхшилашга доир доир тадбирлар тузиш ва уларни тезда жорий қилиш ишларини олиб бориш лозим.

Ушбу ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида корхонадаги молиявий натижаларни таҳлил қиламиз ва унинг ўтган даврдаги динамикасини ўрганамиз.

2.2.7-жадвал

«Нотўқимачи» АЖнинг молиявий натижалари

Т.р	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Маҳсулот сотишдан соф тушум	3759762	4920536	4620536	6723056	8127650
2	Солиқ тўлагунча фойда	134771	81837	77129	167460	94697
3	Даромад солиғи	101417	67213	69348	125777	80898
4	Фойдадан бошқа солиқ ва йиғимлар	667	5332	-3502	6266	1564
5	Соф фойда	32687	9292	11283	35417	12235

Изоҳ: «Нотўқимачи» АЖ ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Корхонада маҳсулот сотишдан олинган даромад йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2007 йили 2006 йилга қараганда 130,8% га, 2008 йилга қараганда 145,5% ва 2010 йили 2009 йилга қараганда 120,8 %га ортди. Бир қараганда ижобий ҳолатга ўхшайди. Аммо, чуқур таҳлил қилинса, аҳвол яхши эмаслиги намоён бўлади. Маҳсулот сотишдан тушган даромадга хом-ашё, ёрдамчи

қисмлар ва бошқа ресурслар нархининг ортиши натижасидаги ҳолат таъсир қилади, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ва нархи ортиб кетади. Натижада даромад ҳам ортиб боради. Маҳсулот сотишдан олинган даромаднинг ортиш суръати белгиланган суръатдан пасайиб бораётганлиги фикримизнинг далилидир. Ҳатто, 2007 йили 2006 йилги даражадан паст даражада бўлди. Корхона оладиган соф фойда даражасини ўтган йиллар давомидаги ҳолатини кузатиш бу фикримизни янада чуқурроқ далиллар билан исботлайди. Соф фойда 2006 йили 32687 минг сўмга тенг бўлган бўлса, 2010 йили 12235 минг сўмни ташкил қилди. 2010 йили 2008 йилга даражадан ҳам, 2006 йилги даражадан ҳам пасайиб кетди.

2.2.8-жадвал

«Нотўқимачи» АЖ да маҳсулот таннархи ҳаражатлари.

Т.р	Моддалар	Ўлчов бирлиги	2009 й	2010 й	Ўсиш суръати	2006 й.ги структура
1	Асосий хом ашё	Минг сўм	3514523	4729086	134,6	85,1
2	Ёрдамчи материаллар	Минг сўм	198230	236870	119,5	4,2
3	Хизматлар	Минг сўм	36963	46113	124,8	0,83
4	Ёқилғи	Минг сўм	17293	24032	139,0	0,43
5	Электр энергия	Минг сўм	57738	63545	110,0	1,14
6	Иш хақи	Минг сўм	212586	271107	127,5	4,88
7	Ижтимоий суғурта	Минг сўм	75122	89465	119,1	1,61
8	Амортизация	Минг сўм	20352	25774	126,6	0,46
9	Бошқа ҳаражатлар	Минг сўм	58022	65241	112,5	1,35
	Жами:	Минг сўм	4190829	5551233	132,5	100,0

Изоҳ: «Нотўқимачи» АЖ ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Кейинги бобларда ана шу ҳолатдан чиқиш ва саноат корхоналарининг иқтисодий хўжалик фаолиятини яхшилаш мақсадида тажрибалар олиб борилади.

Корхонадаги кўп ҳолатларнинг сабабларидан бири ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ортиб бораётганлигидир. Шу сабабли корхонадаги ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўзгаришини кўриб чиқамиз.

Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ҳаражатлари таҳлил қилинганда, асосий ҳаражат ҳам ашёга сарфланиши аниқ бўлди. Ҳом ашё ҳаражатлари жами ҳаражатларнинг 85,1% ни ташкил қилди. Ўтган йили эса 83,6 % ни ташкил қилган эди. Демак, умумий ҳаражатлар таркибида ҳам ашё ҳаражатлари ортиб бормоқда.

2.2.9-жадвал

«Нотўқимачи» АЖ да таннарх структурасидаги ўзгаришлар.

Т.р	Моддалар номи	Таннарх структураси		Ўзгаришлар
		2009 йил	2010 йил	
1	Асосий ҳам ашё	83,6	85,1	101,8
2	Ёрдамчи материаллар	4,7	4,2	89,3
3	Хизматлар	0,88	0,83	94,3
4	Ёқилғи	0,41	0,43	104,8
5	Электр энергия	1,37	1,14	83,2
6	Иш хақи	5,07	4,88	96,2
7	Ижтимоий суғурта	1,79	1,61	90,0
8	Амортизация	0,48	0,46	95,8
9	Бошқа ҳаражатлар	1,70	1,35	79,4
	Жами:	100,0	100,0	

Изоҳ: «Нотўқимачи» АЖ ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Ҳом ашё ҳаражатлари структурасининг ўрни 1.8% га ўсди. Шу билан биргаликда ёқилғи ҳаражатлари ҳам ортиб бормоқда. қолган барча ҳаражатлар моддаларнинг умумий ҳаражатлардаги улуши (2.2.8-жадвал) камайиб бормоқда. Электр энергияси сарфи умуман 10 % га ортгани холда 2010 йилга келиб унинг маҳсулот таннархи структурасидаги ўрни пасайиб бормоқда. 2009 йилда ёрдамчи материаллар 4.7 фоизни ташкил этгани холда 2010 йилга келиб унинг маҳсулот таннархидаги улуши 2009 йилдагига

караганда пасаймоқда ёки 2009 йилги даражанинг 89,3 фоизини ташкил қилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари барча моддалар бўйича ортиб бормоқда. Ўтган 2009 йилга қараганда улар ҳиссаси ортиб бормоқда.

2.3. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш жараёнини ташкил этиш

Ҳозирги вақтдаги корхоналардаги фаолиятнинг энг муҳим масалаларидан бири улардаги ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришдир. Ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш орқали маҳсулот рақобатбардошлилигини ошириш мумкин. Маҳсулот сифатли бўлиб, бозордаги кескин рақобат курашига бардош бериши корхоналарни ҳозирги вақтдаги яшаб қолишининг асосий шартларидандир. Ишлаб чиқариш жараёнини белгиланган миқдорда ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат ва табиий жараёнлар комплекси дир.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни бир қанча жараёнлардан иборат бўлиб, бу жараёнларда маҳсулотнинг бир қисми яратилади ёки унинг яратилишида қандайдир ҳисса қўшилади. Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир жараён асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш жараёнларига бўлинади.


Энг муҳим жараён – бу асосий жараён бўлиб, унда меҳнат буюмига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатилади. Унинг самараси ишлаб чиқариш самарасига олиб борувчи асосий омилдир.

Ёрдамчи жараёнда меҳнат буюмига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатилмайди. Унда корхонадаги асосий ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда давом этиши учун таъсир кўрсатилади. «Нотўқимачи» АЖ даги асосий ишлаб чиқариш жараёнини электр энергияси билан таъминлаш, дастгоҳларни вақтида таъмирлаш, ёнилғи, газ ва сув билан таъминлаш сингари ишларни ёрдамчи жараён воситасида амалга оширилади.

Хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш корхонадаги барча жараёнларга хизмат кўрсатади. Хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнат буюми сифатида

ахборотлар, меъёрлар, меъёрий хужжатлар хизмат қилади. Агар амалга ошириладиган ишлар меҳнат буюмини ўзгартишига йўналтирилса, ҳамда бошқарув қарорини ишлаб чиқаришга йўналтирилса унда бу жараён асосий жараёнга киритилади.

Хизмат кўрсатиш жараёнига ахборотларни тўплаш, назорат қилиш ва жўнатиш ишлари киради. Ёрдамчи жараён эса асосий ва хизмат кўрсатиш жараёнининг бир маромда амалга ошишига ёрдам берадиган ишлар мажмуаси амалга ошириш жараёнидир. Масалан ташкилий техника (компьютер, факс ва х.к.) ни сотиб олиш ёки уларни таъмирлаш сингарилардир.



2.3.1-расм. Ишлаб чиқариш циклининг таркиби.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш бу ишларнинг ҳаммасини бир маромда амалга оширилишини ҳамда корхонадаги тайёрлов, қайта ишлов ва сотув жараёнларини амалга оширилишидир. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда ишлаб чиқариш циклини ташкил этишга эътибор берилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш цикли (2.1-расм) иш вақтидан ва танаффус вақтидан иборатдир. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда ишлаб чиқариш циклидаги иш вақтининг ҳиссасини оширишга ҳаракат қилинади. Белгиланган танаффуслар меъёр бўйича амалга оширилади. Асосий вазифа

белгиланган танаффуслар миқдорини камайтириш. 1933 йилдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган «Нотўқима матолар» корхонаси 1994 йили «Нотўқимачи» хиссадорлик жамиятига айлантирилган. Бу корхонада ҳозирги вақтда 1200 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда.



2.3.2-расм. «Нотўқимачи» хиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш марказининг структураси.

Корхонада ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун ишлаб чиқариш бўлими ташкил қилинган. Бу бўлим ишлаб чиқариш ва муҳандислик таъминоти маркази деб аталади, марказ ишлаб чиқариш, илмий – техника натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш ва меъёрлар яратиш, маҳсулот сифати назорати ва уни давлат андозаларига мос келишини таъминлаш каби ишларни амалга оширади. Улардан ташқари ишлаб чиқариш учун хизмат кўрсатишни, фавқулотда вазиятлар бўлимини ва техника хавфсизлиги бўлимини ўз ичига олади. (2.3.2-расм)

Корхонадаги ишлаб чиқариш марказида ишлаб чиқариш учун 3 та бўлим хизмат қилади:

Жамиятдаги биринчи ишлаб чиқариш цехи қуйидаги бўлимлардан иборатдир:

1. Титиш-саваш цехи;

2. Давралаш цехи;
3. Ватин цехи;
4. Нотўқима цехи;
5. Бичиш-саралаш цехи;
6. Пахта титиш цехи;

Иккинчи ишлаб чиқариш бўлими ўз навбатида қуйидаги бўлимлардан иборатдир:

1. Тайёрлов цехи;
2. Давралаш цехи;
3. Нотўқима цехи;
4. Бичиш-саралаш цехи;

Бу бўлимда пахтадан ватин, этаклар, 090 Ўз артикулли газламалар ишлаб чиқарилади. Корхонадаги сунъий мўйна цехида сунъий мўйна ишлаб чиқарилади. Унинг учун зарур бўлган хом ашё Навоидан келтирилади. Бу ерда ишлаб чиқариладиган мато табиий мўйна ўрнини босади. Бу цехда қуйидаги бўлимлар мавжуд:


1. Титиш тозалаш;
2. Нотўқима цехи;
3. Пардоз цехи;
4. Ёрдамчи ишлар цехи;

Корхонада нотўқима матолар ишлаб чиқариш маълум технологик жараёнлардан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир: (20-расм)

1. Хом ашёни қабул қилиш;
2. Аралашма тайёрлаш;
3. Тойларни аралаштириш;
4. Толани юмшатиш;
5. Толани титиш-саваш;
6. Ипни давралаш;
7. Толани тараш;

8. Холстни чиқиш жараёни;
9. Тўқиб чиқиш жараёни;
10. Саралаш;

Бу жараёнларнинг ҳаммаси асосий ишлаб чиқаришга мансуб бўлиб, уларда хом ашёга таъсир кўрсатиб, уни шаклини ўзгартиришга ҳаракат қилинади ва истеъмол учун тайёр ҳолатга келтирилади.



2.3.3-расм. Нотўқима мато ишлаб чиқариш.

Корхонада ишларни ташкил қилиш хом ашёни қабул қилишдан бошланади. Хом ашё сифати, оғирлиги, техник ҳужжатлар талабига жавоб берадиган ҳолатда қабул қилинади. Хом ашё сифатида IV-V нав пахта толалари, пахта момифи, пахта толаси чиқиндилари ва пахта толасидан иплар қабул қилинади. Ушбу хом ашёлардан маҳсулот ишлаб чиқариш учун аралашма тайёрланади. (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал

«Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида аралашма таркиби.

Пахта толаси	Татбиқ	1-ишлаб	2- ишлаб
--------------	--------	---------	----------

	қилинган	чиқариш	чиқариш
IV нав 4-тип	15	-	15
5-тип	-	15	-
V нав 4-тип	60	-	60
5-тип	-	60	-
Пахта толаси чиқиндиси	20	20	20
Қайтиши	5	5	5
Жами:	100,0	100,0	100,0

Изоҳ: Жадвал корхона маълумотлари асосида тайёрланди.

Корхонадаги жараёнларни ташкил этишда мавжуд дастгоҳлардан фойдаланилади. Улардан фойдаланганда дастгоҳнинг паспорт хужжатлари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ва хом ашёнинг тавсифидан фойдаланилади. Толаларни аралаштиришда П-1 ва П-5 дастгоҳларидан фойдаланилади. Толани юмшатиш жараёнида толани бир ҳил кўринишда бўлишига эришилади ҳамда хас-чўпидан ажратилади. Бу жараёнда ГР-8 горизонтал юмшатиш дастгоҳидан фойдаланилади. Бу ердаги ташкилий кўрсаткичлар иш унумдорлиги кўрсатилган қувват барабан ва бошқа аъзоларининг айланиши, оралиқ масофалардан иборатдир. Барча кўрсаткичлар бир-бирига мослаштирилади. Дастгоҳларнинг тезлиги ва иш унумдорликлари аввалги ва кейинги жараёнлардаги дастгоҳларнинг тезлигига ва унумдорлигига мосланади. Титиш жараёнида тозаланган толани бир текисда теккислаб берилади. Бу жараён Т-16, МТ, МТБ русумли титиш машиналарида олиб борилади. Сўнгра давралаш жараёни амалга оширилади. Ип давра ғалтагига бир текисда ўралади. Давралашда 4107 «Текс» фирмасининг дастгоҳидан фойдаланилади. Давралаш кўрсаткичлари (2.3.2-жадвал)да келтирилган.


Давралаш кўрсаткичлари

Т.р	Кўрсаткичлар	Чизиқли зичлик, ткес	
		50	29
1	Ипнинг дастлабки кўриниши	Бобина	Бобина
2	Чизиқли тезлиги 1-мин	150-450	150-450
3	Ёлғиз ип таранглиги	6	-
4	Ўрашда солиштирма зичлик ч-м	0,45-,6	-
5	Иш унумдорлиги кг-соат	20-80	20-80

Изоҳ: Жадвал корхона маълумотлари асосида тайёрланди.

«Нотўқимачи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараёнида ишлаб чиқариш структураси тузилади. (2.4-расм) бу ишлаб чиқариш структурасига мувофиқ пахта омборидан титиш-саваш бўлимига ўтказилади. У ерда тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар автоматик узатиш қувурлари орқали тараб-тўқиш дастгоҳига ўтказилади. Бу бўлимга давралаш бўлимидан танда иплари ғалтакларда келтирилади. Тўқилган газламалар бичиш-саралаш бўлимида сараланиб, тахланиб, тайёр маҳсулот омборига етказилади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки корхонада ишлаб чиқариш таваккалчилиги юқори даражада сақланиб қолинмоқда. Демак, бу борадаги хатарлар даражасини камайтириш борасида корхона бошқаруви томонидан бир қатор ишлар амалга оширилиши лозим.



2.3.4-расм. 2- ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқариш структураси.

Корхонада таваккалчилик даражасини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этишни қуйидаги тамойиллар асосида олиб бориш лозим бўлади:

1. Пропорционаллик. Бу тамойилга мос равишда барча дастгоҳларнинг ўтказиш қобилиятлари бир-бирига мосланади. Иш жойларини моддий ресурслар, ахборотлар ва ходимлар билан пропорционал равишда таъминланади. Мос келмайдиган ҳолатларда дастгоҳлар сонини ёки чиқарувчи аъзолар сонини мувофиқлаштирилади.

2. Узлуксизлик. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг бу тамойили иш вақтини умумий жараён давомийлигига бўлиш орқали амалга оширилади.

3. Параллеллик. Ишлаб чиқариш жараёнини самарали холда ташкил этиш учун барча ҳаракатлар вақт бўйича биргаликда амалга оширилиши лозим. Бу тамойил ана шуни англатади. Корхонада бу тамойилга асосан барча жараёнлар бирданига параллел тарзда амалга оширилади.

4. Тўғри оқимлилиқ. Бу принципга биноан, ишлаб чиқаришдаги хом ашё материаллари, ахборотларни тайёр маҳсулот босадиган йўли жуда қисқа бўлиши, бу жараёнда орқага қайтишлар бўлмаслиги лозим.

5. Бир маромлилиқ принципи. Ишлаб чиқариш жараёни кун, ой, йил давомида, мавсум давомида ҳамма вақт бир ҳил давом этиши лозим. Корхонада, баъзи вақтларда бу тамойилга амал қилинмайди. Ой бошида секинлик билан аста-секин иш бошлаган баъзи бўлимлар ой охирида маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштирадilar. Хатто меъёрдан ҳам ортиб кетади. Натижада тайёр маҳсулотнинг сифати бузилади ва рақобатбардошлиқ даражаси пасаяди.

Ҳиссадорлик жамиятида ушбу тамойилларга амал қилиниши бошқарув тизимини ташкил этиш самарадорлигини орттиришнинг муҳим омили бўлиб, бу ноаниқликларни йўқотиш лозим. Ноаниқлик даражасини йўқотиш учун барча бошқарув ҳужжатларида (режалар, дастурлар, топшириқлар, андозалар, низомлар, инструкцияларда) бошқарув вазифаларини бажарувчи бўлимлар билан муносабатлари аниқ белгилаб олиниши лозим. Мувофиқлаштириш бўйича ишларнинг аниқлигини ошириш мақсадида бошқарувнинг тармоқ усулларидадан фойдаланишни тавсия қиламиз.

III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА КОРХОНАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ТАВАККАЛЧИЛИКНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ

3.1. Корхоналарни инвестициялаш иқтисодий хатарларни минималлаштиришнинг моддий асоси сифатида

Инвестицион жараёнлар миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга, ҳудудларда ва корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилмоқда. Чунки ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар асосан жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланиши лозим. Ҳудудларда амалга оширилаётган иқтисодий стратегия узоқ вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадларни ўртага қўйиш билан бир каторда, бу мақсадларга эришиш воситалари, йўлларини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Булар орасида ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш асосий ўринда туради.

Ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, келажакда эса – уларни мўл-кўл яратиш, иқтисодий ва илмий-техника соҳасида умумжаҳон даражасига чиқа олиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун республикамиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг индустриал салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда Наманган шаҳрининг инфратузилмасини янада яхшилаш чоралари тўғрисида”ги Фармойиши, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг “Наманган шаҳрини 2009–2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги, “2009 – 2012 йилларда Наманган вилояти саноатини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида”ги, “2009-2012 йилларда наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Улар вилоятда инвестицион жараёнлар янада жадаллашуви учун асос солди.

Вилоятда саноат ишлаб чиқаришининг тез суръатларда ривожланиб бориши кузатилмоқда. Унда 55 та қўшма корхона, 25 мингтадан ортиқ хусусий ва кичик бизнес субъектлари муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Юқорида қайд этилган дастурларда 2021 йилга бориб, саноат ишлаб чиқариш ҳажми вилоятда 960 млрд. сўмга етказилиши, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш – 2,3 баробарга, пойабзал – 6,4, тикувчилик – 4,7, трикотаж маҳсулотлари эса 5 баробарга ортиши белгилаб олинган.

Вилоятда юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга корхоналар ҳам барпо этилмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилиши ҳисобига ташкил этилган “UzChasys” қўшма корхонаси автомобиль фара ва фонарлари ишлаб чиқаради. У полимер қуйиш, ультрабинафша ишлов бериш, вакуумли алюминлаштириш сингари янги технологиялар билан жиҳозланган. Ҳозирда корхонада “Нексия” ва “Матиз” русумли автомобилларнинг ёритиш тизимлари учун 18 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг йиллик қуввати 250 минг донани ташкил этади. Трикотаж ишлаб чиқарувчи “Аз-Шах”, “МРТ текстил”, “Мега текстил”, “Чортоқ Дайхан текстил” корхоналари ишга туширилиши туфайли мингтага яқин иш ўринлари яратилди. 21 та корхонада техник модернизациялаш ва молиявий соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Улар орасида “Узрубериод”, “Карбонам”, “Косонсой-парранда”, “Шарқ” пойабзал фабрикаси, Қўғайтаъмирлаш”, “Нотўқимачи” каби корхоналар бор.

Вилоятда ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Тармоқдаги ўндан ортиқ корхоналарни кенгайтириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятини беради. Янгиланишлар натижасида 2010 йилнинг биринчи ярмида ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 62,6 млрд. сўмлик маҳсулот тайёрланди. Норин туманидаги йилига 200 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга “Собиров

Улуғбек” хусусий корхонаси ўз фаолиятининг дастлабки пайтидаёқ 14,8 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлади ва буюрмачиларга етказиб берди. 2010 йилнинг учинчи чорагида Учкўрғон туманида “Учкўрғон соап экстракт” корхонаси ишга тушурилиши мўлжалланган ва атир совун ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Вилоятда саноат корхоналари фаолияти изчил ривожлантирилиши ва янги иш ўринлари кўпайишида мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган 2009-2012 йииларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ қабул қилинган қонун ҳужжатлар ва кўшимча чоралар алоҳида аҳамиятга эга бўлди. 2010 йилнинг биринчи ярмида вилоятда ҳудудий бандлик дастурлар амалга оширилиши натижасида 38803 та янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 30722 таси қишлоқ жойларига тўғри келди.

2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳал этиб борилиши жорий даврдаги иқтисодий ривожланиш натижаларинигина эмас, балки иқтисодиётимизнинг яқин йиллардаги муваффақиятли тараққий эта олишини таъминлайди. Дастурнинг асосий йўналишлари инвестицион жараёнларнинг изчил амалга оширилишини тақозо этади ва айти пайтда бу жараёнларни фаоллаштиришга ҳам қаратилгандир.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш учун қулай инвестиция муҳити ҳозирда мавжудлиги вилоят саноати ривожланиши учун ҳам қулай имкониятлар яратмоқда. Бу табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга

нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва бошқа омилларда ўз ифодасини топмоқда.

Ижтимоий соҳада инвестиция жараёнларининг кучайтирилиши, айниқса, қишлоқ жойларида турли ижтимоий объектларнинг барпо этилиши пировардида ободончилик даражасининг юксалишига, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши мамлакат ҳудудларинининг жадал иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган. Ўз навбатида иқтисодий тараққиёт заминидан ишлаб чиқариш салоҳиятининг янгиланиши, янги техника ва технологияларнинг жорий этилиши, замонавий янги қувватларнинг барпо этилиши ётади. Шунингдек, мазкур жараёнлар ҳудудда фаолият олиб бораётган барча хўжалик субъектларини қамраб олиши зарур. Мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги рақобатбардошлиги аҳоли бандлигига ва фаровонлигига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Бозор муносабатлари шароитларида давлат корхоналардаги ишлаб чиқаришни янгилаш жараёнларига тўғридан-тўғри аралаша олмайди. Бу иқтисодий жиҳатдан мақбул ҳам эмас, Лекин бу жараёнларининг пировард натижаларига эришиш нуқтаи назаридан олиб қараганда қатор ҳолларда давлат томонидан жиддий тадбирлар амалга оширилиши талаб этилади. Инвестицион жараёнларга давлатнинг таъсири давлат бошқарувининг барча даражаларида тақозо этилади. Бироқ маҳаллий давлат бошқаруви органларининг бу борадаги фаолияти алоҳида масъулият талаб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки маҳаллий идоралар ишлаб чиқарувчиларга жуда яқин турадилар, уларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларидан анча яхши хабардордирлар. Маҳаллий ҳокимият органлари ва уларнинг вакиллари аҳоли билан жуда яқин алоқаларда эканлиги ҳам уларнинг сайи-ҳаракатлари мазмуни ва йўналишларига жиддий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётдаги янгиланишлар ката миқдорларда маблағлар солинишини зарур қилиб қўймоқда. Мамлакатнинг ички инвестицион

имкониятлари сўнгги йилларда жадал ўсиб бораётганлигига ва мустақамланганлигига қарамасдан айниқса вилоятларда инвестициялаш учун маблағлар танқислиги мавжуд ва бу ҳол Наманган вилоятига ҳам тааллуқлидир. Шунинг учун вилоятга хорижий инвестицияларни жалб муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни таъкидлаб утиш лозимки, вилоятга хорижий туғридан-туғри инвестиция киритиш юзасидан янги лойихаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имкониятлари мавжуд. Бироқ туманларда хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар жуда суст олиб борилмоқда. Албатта бунинг объектив сабаби уларда хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик қила оладиган тадбиркорларнинг етишмаслиги ҳамдир. Шунинг учун туманлардаги тадбиркорлик субъектлари маҳаллий ҳокимият органлари томонидан астойдил қўллаб қувватланиши лозим.

3.2. Корхоналарида таваккалчиликни инновацион инвестициялаштириш жараёнида мақбуллаштириш

Ҳар қандай йўналишдаги тадбиркорлик фаолиятларида маълум бир ноаниқликлар асосида ёки ташқи муҳитларни ўзгариб туриши оқибатида маълум ҳавф-хатарлар тадбиркор субъектларни иш юритиш фаолияти билан ёнма-ён ҳаракатда бўлади. Шунинг учун ҳам корхоналар, айниқса инновацион фаолият олиб борувчи субъектлар уларга йўл қўймаслик учун доимий равишда, уни олдини олиш йўлида маркетинг изланишларини илмий изланишлар билан боғлаб олиб боришлари зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти доимий равишда ноаниқликлар билан боғлиқ бўлади.

Чунки, у ёки бу янгиликларни яратиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурслари қийматларини ўзгариб туришига ва яратилган илмий ихтироларни ишлаб чиқаришда қўллашга боғлиқдир. Қолаверса инновацион соҳаларга сарфланаётган инвестиция маблағларини илмий изланиш

оқибатида кўзлаган илмий натижани олиш ҳам белгиланган талаб натижасида бўлавермайди. Аммо биз шуни англаб олишимиз керакки, маълум йўналишда илмий натижани ижобий бўлмаслиги ҳам илмий натижа ҳисобланади.

Корхона инновацион фаолиятдаги ҳавф-хатарлар даражаси паст, ўрта, юқори даражада бўлишидан қатъий назар, унинг натижалари юқори даражада фойда келтириши мумкин. Бу инновацион фаолият билан шуғулланишини истовчи венчур субъектларини доимий равишда ўсиб боришига олиб келади. Корхона инновацион фаолият билан шуғулланишдаги ҳавф-хатарларни юзага келишига асосий сабаблар қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаш мумкин.


- ишлаб чиқариш жараёнига арзон ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш. Бу ҳолат маълум вақтгача фойда келтириши мумкин. Аммо унга нисбатан юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш оқибатида ҳавф-хатар кучаяди;

- инновацион жараёнларнинг янги натижалари эски ишлаб чиқариш технологияларга асосланиши ҳам ишлаб чиқарилаётган товарларга бўлган талабларни пасайиши ҳам ҳавф-хатарни кучайтиради;

- инновация янгиликларни янги ишлаб чиқариш технологияларига асослаган ҳолда ҳам унинг товарларига бўлган талабни бўлмаслиги ёки талабга жавоб бермаслиги мумкин.

Корхонада инновацион янгиликларга бўлган талабларни бўлмаслик ҳавфлилиги бизни фикримизча айрим йўналишдаги янгиликларни қўллаш объектларини бўлмаслиги, ёки қўллаш учун зарур шарт-шароитларни йўқлиги, ёки яратилган янгиликларни жаҳон стандартлари даражасига жавоб бермаслиги сабабли, бу стандарт талабларга жавоб бера оладиган товарларни ишлаб чиқаришни мумкин эмаслиги қолаверса яратилган инновацион кашфиётларни харид қилувчи субъектларнинг талабларини пастлигида деб ҳисоблаш мумкин. Умуман корхоналарда инновацион тадбиркорлик

қуйидаги хавф–хатарларга учраши мумкин. (3.2.1-расм)



3.2.1-расм. Иновацион тадбиркорлик хавф-хатари.

Иновацион лойиҳаларни бажариш билан боғлиқ бўлган хавф-хатарлар асосан уларни ички ва ташқи муҳитларини эътиборга олган ҳолда етарли даражада иқтисодий ва техникавий асосланмаганлигидир.

Иновацион лойиҳаларни бажаришида якка ёки муаллифлар томонидан бажарилиши билан боғлиқ бўлган лойиҳалар кўпроқ хавф - хатар остида бўлади. Чунки лойиҳалар маълум бир буюртмага талаби асосида эмас, балки ўзларининг ташаббуслари билан амалга оширилиши сабабли бу инновацион лойиҳа натижаларига талабгор бўлмаслиги ҳам мумкин.

Иновацион фаолиятни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган хавф-хатарлар асосан етарли даражада молия маблағларига эга бўлмаслик оқибатида юзага келиши мумкин. Иновацион фаолиятни лойиҳалаштириш асосан тадбиркор субъектларининг хусусий маблағларига асосланган тақдирдагина хавф-хатар деярли бўлмайди.

Ташқи субъектлар маблағлари томонидан инновацион фаолиятни

молиялаштиришда доимий равишда маълум ҳавф-хатарлар мавжуд бўлади. Бу ҳавф-хатар асосан зарур бўлган маблағларни инновацион фаолиятни амалга ошириш учун етмаслигидан иборатдир. Инновацион лойиҳаларни етарли даражада асосланмаганлиги оқибатида, унинг натижаларини амалга оширишда маълум молиявий қийинчиликларга учраши мумкин.

Инновацион фаолият асосан хўжалик битимларига асосланиб олиб борилишини эътиборга олсак, бу ерда ҳавф-хатар асосан бу тузилган хўжалик битимиغا риоя қилинмасликда ифодаланади. Хўжалик битимиغا риоя қилмаслик асосан хўжалик битимиغا асосланган ҳолда битим тузувчиларни унга риоя қилмасликлари натижасида юзага келади. Бу хўжалик битимга риоя қилмаслик бизнинг фикримизча асосан бу битимни бажариш учун зарур бўлган камёб ҳом-ашёлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, ёки иккала хўжалик битимини тузувчи иккала субъект ўртасида уни бажариш учун маълум даражада маблағни бўлмаслиги, ёки улар оқибатда тўла олмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Айрим вақтларда хўжалик битимиغا асосан фаолият олиб бораётган субъектлардан бири ўз вақтида битимга асосан келишилган муддатга уни бажара олмасликларида ифодаланади.

Ҳавф-хатарларни бўлишига асосий сабаб бозор иқтисидиёти шароитида субъектлар маълумотларини айрим вақтларда сир сақлаш ҳолатида йўл қўйилган ҳатоларнинг оқибатидир деб кўрсатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби:

- ахборотларни сир сақланмаслиги;
- маркетинг сиёсатини талабга жавоб бермаслиги;
- яратилган янгилик ихтироларини ишлаб чиқаришга жалб этишни талаб даражасида эмаслиги;
- бозорларда ўзга ёки хорижий фирмалар томонидан босқинчилик сиёсатини олиб боришидадир.

Инновацион фаолиятда маркетинг тадқиқотини олиб боришдаги ҳавф-хатарлардан яна бири бу таъминот ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқдир. Инновацион ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳавф-хатарлар асосан бозор сегментини

тегишли даражада ўрганмаслигида ифодаланади. Ишлаб чиқарилган янгиликка етарли даражада талабни бўлмаслиги, янгиликка бўлган интилишни секинлашувида ифодаланади.

Иқтисодчи олим П.Дракер инновацион фаолият билан шуғулланиш борасида ҳавф-хатарларни тугатиш учун қуйидаги қонунга риоя этишни таклиф этган. Булар қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир янгилик маҳсулотлари ўзларини қийматларини қоплаш хусусиятига эришиш билан бу маҳсулот эскиради;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни эскирганлигини тан олган ҳолда, рақобатчига уни тан олишига қаршилик кўрсатиш;

- саноатда инновацион фаолиятни «фундаментал» ва амалий изланишга ажратиш асоссиздир;

- тадқиқот бу такомиллаштиришни эволюцион бошқариш ва янгиликни кашф этишдир. Аммо улар бир-бирларидан фарқ қилсаларда, улар ўзаро бир-бирларини тўлдирадилар. Такомиллаштиришнинг асосий мақсади қўлга киритилаётган ютуқлар даражасини янада ошириш билан боғлиқ бўлган ҳеч қачон тугалланмайдиган фаолиятдир. Эволюцион бошқаруви шиори «ҳар бир самарали янги маҳсулот-кейинги маҳсулотга босқичдир».

Биз П.Дракер фикрига тўлиқ қўшилган ҳолда қуйидагиларга эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз. Инновацион фаолият асосида яратилган янги маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматларни эскириши, уларни ўз харажатларини қоплашга эришиши билан эскиради деган фикрга тўлиқ қўшила олмаймиз. Чунки янги ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматлар билан боғлиқ бўлган харажатларни қопласагина инновацион фаолият самарали бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида иқтисодиётнинг нодавлат секторида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар тизимини шакллантириш устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бунда ушбу соҳада инвестициялаш

жараёнларини жадаллаштириш ва энг асосийси, хусусий тадбиркорликни республикамиз аҳолисининг фаровонлигини оширишни белгилловчи, аҳолини иш билан бандлигини таъминловчи, экспортбоп товарлар ишлаб чиқарувчи ва иқтисодиётимиз учун зарур бўлган валюта тушумларини келтирувчи етакчи соҳага айлантириш назарда тутилмоқда.

Мазкур вазифаларни самарали тарзда бажариш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион фаолиятга катта аҳамият бериш талаб этилмоқда. Иқтисодий тараққиётда юксак натижаларга эришган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, инновацион фаолият тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятини ташкил қилиши керак. Тадбиркор ўз устида ишлаши, янгиликларни қидириши, яратиши, изланиши лозим. Бозор иқтисодиётидаги шиддатли рақобат курашида енгиб чиқиш, яшаб қолиш инновацион фаол бўлишни тақозо этади. Бу ҳаётий зарурият ҳисобланади. Инновация – бу эркин рақобат қонунидир, усиз бозор тизими ҳеч қачон ривожлана олмайди.

Классик иқтисодий назария хусусий тадбиркорликдаги инновацион фаолиятнинг қуйидаги омилларини қайд этади:

1. Рағбатлар. Тадбиркорни инновация йўлида таваккал қилишга ундайди.
2. Имкониятлар. Тадбиркорни инновацияни амалга ошириш имконияти.
3. Чеклашлар. Тадбиркорнинг инновацион фаолиятини чеклайди, сустлаштиради.

Албатта, тадбиркорнинг инновацион фаолияти биринчи навбатда унинг ўз фойдасини орттириш йўлида тинмай изланиши бўлиб майдонга чиқади. Тадбиркор сифатли, рақобатбардош ёки умуман янги ҳил маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Бунинг учун у корхонасидаги технологияни такомиллаштиради, инновацияларни жорий этади, яъни янгиликларни қидиради, топади, ўз корхонасида қўллайди. Инновацияни

жорий этиш муайян харажатларни талаб қилади. Айни пайтда, катта харажатлар қилинган бўлса ҳам, бозорга олиб чиқилган маҳсулотни бозорда яхши қабул қилинмаслиги хатари ҳам авжуд бўлади. Қилинган харажатлар копланмаслиги эса корхонанинг келажагини хавф остига қўяди. Шунинг учун ҳар қандай тадбиркор ҳар қандай янги ишни, инновацияни амалга оширишда пухта ўйлаб иш кўриши, ҳисоб-китобларни мукамал амалга ошириши лозим.

Тадбиркорни инновацион таваккалчиликка етаклайдиган куч - бу бозордаги рақобат кучидир. Эркин иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг кўплиги, улар учун бозорга кириш учун имкониятлар етарли эканлиги туфайли улар ўртасида кучли рақобат кураши мавжуддир. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи кўпроқ маҳсулот сотишга ҳаракат қилади. Кимда-ким ҳаракатни сусайтирса, янгиликларга интилмаса, рақобатда ютқазиб қўйиши мумкин. Бундай хавф ҳар қандай тадбиркорга доимий равишда йўлдош бўлади. Шу сабаб тадбиркорни инновацион фаолиятга ундайди. Ана шу нарса – инновацион рағбатдир.

Инновация жараёнида тадбиркор ва тадқиқотчилар ҳамкорлик қилишлари лозим бўлади. Чунки кўпчилик ҳолларда инновациянинг муаллифи ва уни жорий этувчиси битта шахсда мужассамлашган эмас. Инновация қандайдир ўйлаб топилган янгилик ёки илмий-техникавий фаолият натижаси бўлиши керак. Тадбиркор қандайдир илмий муассасага топшириқ бериши, ички ёки ташқи бозордан тайёр лицензия сотиб олиши, патент тадқиқоти ўтказиши мумкин. Муаммо қўйилса, олимлар ва тадқиқотчилар бу муаммо устида ишлайдилар ва ечимини топишга ҳаракат қиладилар. Шу сабабли, тадбиркор ўз муаммоларини илмий-тадқиқот муассасаларига етказиши лозим. Бундай ишларнинг ҳаммаси тадбиркорда маблағ бўлишини ҳам талаб қилади. Яратилган инновацияни жорий қилиш учун ҳам маблағ бўлиши керак. Тадбиркор ўзида бор бўлган ресурслардан маблағлардан фойдаланиши, ўзида йўқ бўлган ҳолда кредит, заем

воситаларидан фойдаланиши лозим. Ресурс имкониятлари эса айниқса инқироз шароитларида анчагина чекланган бўлади.

Тадбиркорнинг инновацияга мойиллиги унинг малакаси, таваккалга бориш қобилияти, қизиқиши, билим доирасига ҳам жиддий равишда боғлиқ бўлади. Тадбиркорларда стратегик фикр юритиш турлича бўлади. Кўп ҳолларда ёш, навқирон тадбиркорлар инновацияга кучлироқ интиладилар. Ўрта ёшлардаги тадбиркорларда ўзгаришларга қизиқишнинг нисбатан пасайиши кузатилади.

Тадбиркорларнинг инновацион фаолияти кўламларига жиддий таъсир этувчи муҳим омил – бу чеклашлардир. Давлатнинг мазкур жараёнларга аралашувини эътиборга олмаганда маблағ ва вақт чекловларини фарқлайдилар. Одатда йирик инновацияларни амалга ошириш учун кўп тадбиркорларда маблағ етишмайди, ташқи манбаалардан маблағ жалб қилишга ҳам имконияти бўлмаслиги мумкин. Бундай чеклов тадбиркорларнинг холдингга, концернга, консорциумларга бирлашишлари орқали бартараф этилиши мумкин. Вақт омили эса инновацияларни амалга оширишда харажатларнинг қоплданиши учун муайян вақт талаб этилишида ифодаланади. Вақт ортиши эса кўпинча иқтисодий хатарларнинг ҳам ошишига олиб келади.

Инновацион таваккалчиликнинг муҳим омилларидан бири илмий-техникавий тараққиёт жараёнининг узлуксизлигидир. Вақти-вақти билан янги турдаги маҳсулотлар, янги технологиялар яратилиши мумкин ва аввалроқ ишлаб чиқарилганлари тезда эскириши, янгиликларни аҳамиятсиз қилиб қўювчи янгиликлар пайдо бўлиши мумкин.

Тадбиркорларнинг инновацион фаолияти борасидаги чекловларни енгиб ўтишда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва давлат билан ҳамкорлиги жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Давлат инновацион жараёнда асосий қатнашчилардан ҳисобланади. У жуда ҳам муҳим, масъулиятли ва малакали функцияни бажаради. Тадбиркорлик фаолиятидаги

инновацион жараёнда давлатнинг иштироки зарурлиги бир неча омиллар билан изоҳланади. Давлат инновацион соҳада стратегик қарорлар қабул қилади ва уларнинг бажарилишини назорат қилади, амалга оширади.

Давлат инновацион муҳитни вужудга келтиради, ҳуқуқий асосларни ҳамда инновацион фаолиятни амалга ошириш меъёрларини белгилайди. Қулай инновацион муҳитни яратиш инновацион жараён қатнашчилари учун маълум имтиёзлар белгилаб қўйилишини, янги техника ва технологияни ўзлаштириш вақтидаги ортиқча харажатларни қисман қоплаб берилишини, инновацион-инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли кредитларни, инновацион хатарларни суғурталаш тизимини ичига олади.

Макроиктисодий нуқтаи назардан инновацион жараёнда стратегияни танлашни давлат ўз зиммасига олиши шарт. У бозордан ташқари секторда инновацион фаолиятни амалга оширилишини ташкил қилади. Фундаментал фанларни, давлат бошқарувини, мудофаани, ҳуқуқ-тартибот, йирик экологик лойиҳаларни амалга оширилишини ташкил қилади. Аҳоли ҳам, тадбиркорлар ҳам ушбу секторни янгилашни ўз устига ола олмайди. Мамлакат иқтисодиётининг ривожини учун бу сектор жуда муҳим ҳисобланади, мамлакатни фаровонлиги ва унинг хавфсизлиги унда инновацион фаолият амалга оширилишини тақозо этади.

Давлат ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва молиявий инфратузилмалар орқали ҳам хусусий тадбиркорликдаги инновацион жараёнларни қувватлаб туриши лозим. Давлат инновацион инфраструктура билан кичик инновацион бизнесни ҳамкорликдаги ривожига таъсир кўрсатиши, улар ўртасида боғловчи бўғин вазифасини бажариши керак.

Бундан ташқари давлат инновацион жараён учун ходимлар тайёрлашни ўз зиммасига олади. Олий ва ўрта-махсус таълим инновацион йўналишда бўлиши керак. Кадрлар малакасини ошириш, масофадан ўқитиш, инновацион дастурлар бўйича махсус ўқитиш вазирлиги у кабиларда инновацион фаолият эҳтиёжлари ҳисобга олиниши лозим.

Инновацион таракқиёт учун кадрлар тайёрлашнинг асослари олий таълим муассасалари, академик ва тармоқ институтлари ва инновацион фаол корхоналар ўртасида ҳамкорликни ўз ичига олади. Уларнинг ҳамкорлигини давлат ташкил этади, назорат қилади, рағбатлантиради ва зарур ўзгартиришлар киритади. Давлат инновацион жараён иштирокчиларинг интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Инновацион ижодий жараёнда фуқаролик жамияти ва унинг институтлари иштирок этадилар. Фуқаролик жамияти инновацион фаолият учун қулай ҳуқуқий шароитларни яратишга ҳаракат қилади. Фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситаларидан ҳам самарали фойдаланиш лозим. Газета, радио, телвидение, Интернет ва бошқа воситалар инновацион жараён самарасига таъсир қилади.

3.3 Иқтисодийни модернизациялаш шароитида иқтисодий хатарларни бошқариш самарадорлигини ошириш

Ҳар қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхонаси ўзининг фаолият доирасида хатарга учрайди. Шундай бўлсада, маълум сабабларга кўра, аввало ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган хатарлар тўғрисида фикр юритиш ўринли бўлади. Иқтисодий адабиётда бундай хатарлар саноат, экология, инвестиция, техник тадбиркорлик хатарлари деб таърифланади, улар миллий иқтисодиётда тез-тез учраб турадиган хатарлар ҳисобланади. Албатта, бу хатарларнинг ишлаб чиқариш корхоналарига таъсири банк учун ҳам жиддий аҳамиятга эга бўлади. Масалан, хатарлар билан боғлиқ равишда корхона иш натижаларининг ёмонлашуви унинг пул оқимлари орқали, банк олдидаги мажбуриятлари бажарилиши ёки бажарилмаслиги орқали, банк корхонага маблағларни инвестициялаганда эса даромад келиб тушиши камайиши орқали банк фаолияти умумий натижаларида ўз ифодасини топади.

Юқорида санаб ўтилган хатарларни бир-биридан бутунлай ажралган ҳолда тасаввур қилиш тўғри бўлмайди. Ҳар бир хатар бошқалари билан узвий боғлиқ равишда содир бўлади ва шу маънода иқтисодиётда учрайдиган хатарлар ягона мажмуани ташкилади дейиш мумкин. Масалан, корхоналар молиявий инвестиция фаолиятида молиявий, тадбиркорлик хатарларига учрайди, ўз навбатида тадбиркорлик фаолияти натижасида молиявий хатарлар вужудга келиши мумкин. Агар ишлаб чиқариш корхонаси реал инвестициялаш билан шуғулланадиган бўлса, унда албатта саноатга оид хатарларни ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда миллий иқтисодиёт тармоқларида саноат, экология, инвестиция, техник, тадбиркорлик, молия, тижорат, давлат- сиёсий хатарлар содир бўлиши эҳтимоллари мавжудлигини қайд этиш мумкин. Корхона ёки банк фаолиятида алоҳида хатар рёки хатарлар гуруҳ чуқур таҳлил этилиши ҳамда стратегик режалар ёки бизнес-режа тузиш ва уни амалга оширишда уларни бартараф этиш ёки юмшатиш чоралари белгилаб олинishi лозим.

Саноат хатарлари. Саноат корхоналари дуч келадиган хатарлар деганда корхоналарнинг зарар кўришига олиб келувчи ёки шлаб чиқариш жараёнларини бир маромда олиб борилишига салбий таъсир этувчи омиллар юзага чиқиши эҳтимоли тушунилади. Одатда бундай ҳолатга саноат корхоналари табиат кучлари таъсирида, ёки атайлаб бинолар, иншоотларни бузилиши, зарар етказилиши, транспорт ва асбоб ускуналарни йўқотилиши ёки синдирилиши натижасида тушиб қолади.

Саноат корхоналарида учраб турадиган хатарларга авария натижасида фуқароларнинг оғир шикастланишлари, машина, асбоб-ускуналарни ишдан чиқишини ҳам киритиш мумкин. Саноат хатарларини қуйидагича гуруҳлаш ҳам мумкин:

- табиий офатлар натижасида вужудга келадиган хатарлар – ер силкинишлари, сув тошқини, ер силжиши, довул-бўрон, гирдоб, чақмоқ таъсири, вулқон ва ҳ.к.;

- техноген хатарлар – бинолар, қурилмаларнинг эскириши, машина, механизм ва ускуналарни фойдаланишга топшириш ва лойиҳалаштиришда йўл қўйилган хато, камчиликлар, хизматчи ходимларнинг техника ва технологиялардан фойдаланишда йўл қўйган хатолари, асбоб ускуналарни ўрнатиш ҳамда таъмирлаш ишларида шикастлантириш, учувчи аппаратларнинг ёки уларнинг қисмларининг кулаб кетиши ва ҳ.к.;

- аралаш хатарлар – инсон фаолияти натижасида табиатдаги мутаносибликнинг бузилиши, масалан нефть, газларни қидирув бурғулаш жараёнларида унинг отилиб чиқиб кетиши ёки қурилиш ишларида ер сурилиши ва бошқалар.

Саноат хатарларини кўпгина ҳолларда экологик хатарлар сифатида майдонга чиқади. Атроф-муҳитга инсонлар томонидан ундаги табиий мувозанатнинг бузилишига олиб келувчи таъсир билан боғлиқ бўлган хатарларни экология хатарлари деб аталади. Одатда бундай хатарлар атроф-муҳитга таъсирни тўла ўрганмасдан ва оқибатлари билан ҳисоблашмасдан қурилиш ва ишлаб чиқариш объектларининг ишга солиниши туфайли вужудга келади. Ҳозирги шароитларда экологик хатарлар саноат хатарларининг узвий бир қисмидир. Атроф-муҳитга зарар етказиш ва уни ифлослантириш ўрмонларни қуриб қолишига, сув миқдорининг салбий тарзда камайишига ёки кўпайишига, ҳаво ва ер ресурсларининг сифат ўлчамлари бузилишига, биосферага зарар етказувчи моддаларнинг чиқиб кетишига ва қишлоқ хўжалик ерлари мелиоратив ҳолатининг бузилишига олиб келади.

Экологияга ва атроф-муҳитга ҳалокатли таъсир этувчи саноат хатарларининг оқибатларини яқин ва келажакда юзага чиқиши мумкин бўлган иккита қисмга ажратилади. Яқин кунлар ичида содир бўлиши мумкин бўлган ҳалокат натижасида бинолар ва иншоотлар бузилади, атроф-муҳит ифлосланади, фуқароларнинг турли даражада жароҳат олишлари кўпаяди. Келажакдаги таъсир натижасида ер майдонлари ифлосланади, сув ҳамда

бошқа табиат ресурсларнинг ифлосланиши инсонлар саломатлигига таъсир этади. Улар ифлосланиш содир этилгандан сўнг сурункали равишда ўзининг салбий натижасини кўрсатади, инсонларда турли ҳил касалликлар кузатилади. Узоқ вақт давомида ушбу ҳудудлардаги инсонларнинг яшаш шароитлари ёмонлашади, ўлим сони ортади, турли ҳил касалликлар, болалар ўртасидаги ўлим кўпаяди, ногирон болалар туғилиши ортиб боради, уларнинг аксарият қисми қувватсиз бўлади.

Саноат хатарларининг муайян қисми техника ва технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Улар аввало техник хатарлар кўринишида намоён бўлади. Техник хатарлар саноат хатарларининг ҳам, улар билан чамбарчас боғланган тадбиркорлик ҳамда инвестиция хатарларининг ҳам узвий бир қисмидир.

Техник хатарлар, жумладан, янги қурилиш объектларини бунёд этиш ва эксплуатация қилишда юзага чиқади. Уларнинг ичида қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ хатарларни ва эксплуатация жараёнидаги хатарлар алоҳида ажратиб кўрсатадилар.

Техник-монтаж хатарларига қуйидагилар киради:

- қурилиш материаллари ва ускуналарининг ноқулай шароитлар, табиий офат, портлашлар, атайин зарар етказиш натижасида йўқолиши ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолиши;

- объектларни лойиҳалаштириш ва монтаж қилишда йўл қўйилган хатоликлар туфайли уларни қоникарли ёки доимий фаолият юрита олмаслиги;

- қурилиш объектларидаги ходимларга жисмонан зарар етказилиши ва бошқалар.

Одатда, қурилиш ишлари тугатилгандан сўнг, қурувчи ташкилот буюртмачига уни шартнома муддати давомида тўла қувват билан доимо узлуксиз ишлашини кафолатлайди. Қурилишга ўрнатилган ускуналарда кўпгина миқдорда носозликлар аниқланадиган бўлса, қурувчи ташкилот уни

бартараф этиш учун қўшимча миқдорда харажатлар қилишга мажбур ва бу ишлар унга қимматга тушади.

Асосан иқтисодий мазмунга эга бўлган хатарлар инвестиция хатарлари ва тадбиркорлик хатарлари сифатида ифодаланади.

Инвестиция хатарлари деганда, инвестиция лойиҳалари амалга оширилганда фойдани йўқотиш ёки кам миқдорда олиш билан боғлиқ хатарлар тушунилади. Хатарлар лойиҳаларни амалга ошириш, маблағларни жалб этиш усулларига қараб бир-биридан фарқланади. Умумий ҳолларда хатарларни қуйидаги турларини ажратиб кўрсатадилар:

1. Инвестицион лойиҳаларни молиялашга кредит ресурсларини жалб этиш билан боғлиқ хатарлар;
2. Инвестицион лойиҳаларнинг дастлабки босқичдаги хатарлар;
3. Инвестицион лойиҳаларнинг иккинчи босқичи билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик хатарлари;
4. Давлатнинг иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришлардан келиб чиқувчи хатарлар.

Маълумки, инвестицион лойиҳалар икки босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда активлар қурилиш объектларига ёки айланма фондларга бўнакланади, иккинчисида эса, жойлаштирилган маблағлар қайтиб, фойда бера бошлайди.

Лойиҳанинг дастлабки босқичи қатор хатарлар билан боғлиқ. Масалан, лойиҳада режалаштирилган ишлар ўз вақтида тугалланмаганда, тугалланган деб қаралаётган объектларнинг носозлиги аниқланганда лойиҳа бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун қўшимча харажатлар талаб этилади ва бу муайян зарарларни келтириб чиқаради.

Дастлабки босқичнинг хатарлари орсидан техник хатарлар алоҳида ўринга эга. Бу ҳолда у қурилиш-монтаж ҳамда эксплуатация хатарларини ўз ичига олади. Лойиҳаларни амалга оширишнинг биринчи босқичидаги хатарларга қуйидагилар киради:

- лойиҳалашдаги техник нуқсонлар натижасида вужудга келадиган хатарлар;

- ер майдонлари ижараси, кўзгалмас мулк объекти, шунингдек қурилишга олинган рухсатнинг юридик жиҳатдан нотўғри расмийлаштирилиши;

- қурилиш лойиҳаси қийматининг ошиб кетишидаги хатарлар.

Инвестиция лойиҳасининг иккинчи босқичида унга сарфланган маблағларнинг қопланишига ва зарур миқдорда фойда олинишига эришиш лозим. Бу босқич одатда савдо ёки ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлиб, айрим ҳолатларда корхона ноқулай шароитларга тушиб қолади натижада тадбиркорлик хатари вужудга келади.

Тадбиркорлик хатари фақатгина инвестиция фаолиятига хос бўлган хатар бўлмасдан балки бизнесни барча турларида учрайди. Бошқа томондан, ҳар қандай бизнесни муайян маблағларнинг инвестицияланиши деб қараш мумкин.

Тадбиркорлик - бу ўз мулкани ишлатиб ёки ўзга мулкдан амалда фойдаланиб, товарлар яратиш ёки хизматлар кўрсатиш, ундан кутилган мақсад эса пул топиш. Бундай фаолият ҳар доим хатар билан боғлиқ.

Тадбиркорлик хатарларининг ички ва ташқи турлари бир-биридан фарқлайдилар. Тадбиркорлик фаолиятига оид бўлган фойданинг контрагентларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармасликлари оқибатида олинмай қолиши ёки камроқ олиниши ёхуд тадбиркорнинг ўз сайи-ҳаракатларига оид бўлмаган ҳолда кўриладиган зарарлар ташқи хатарларнинг натижасидир.

Ички хатарлар тадбиркорларни ишлаб чиқариш ёки маҳсулотни сотиш олиб бораётган ишлари даражаси билан боғлиқдир. Улар қуйидаги омиллар натижасида шаклланади:

- менежментнинг умумий даражаси;
- маркетинг ташкил этилиши;

- таннарх, маҳсулотнинг сифати, сотиш шартлари, реклама, маҳсулот сотилгандан сўнг кўрсатиладиган хизматлар, айланма маблағларнинг етишмаслиги ёки айланиши секинлашуви, миждозлар турлари ва ҳ.к.

Суғурта компаниялари ва молиявий институтлар корхонанинг ички хатарлари оқибатида кўриладиган зарарларни қоплаб беришни кафолатламайдилар. Чунки улар аксарият ҳолларда корхонадаги ички субъектив омиллар билан боғлиқдир.

Тадбиркорлик хатарлари натижасида кўриладиган зарарларни тўғри ҳамда билвосита деб ажратиш мумкин. Тўғри зарарлар - бу сабабчилар ёки айбдорлар аниқ кўриниб турган ҳолда мол-мулкдаги йўқотишлар ёки фойданинг бой берилишидир. Билвосита зарар - бу конкрет айбдорлар ёки сабабчиларни аниқ кўрсатишинг иложи ҳолда хўжалик фаолиятидаги турли узилишлар натижасида даромад олмаслик.

Иқтисодий нашрларда тадбиркорлик хатарлари оқибатларин албатта фойданинг камайиши ёки зарар билан боғлайдилар. Шу нуқтаи назардан табиий хатарлар – ер силкинишлари, сув тошқини, довул, бўрон, чакмоқ уриши, вулқон отилиши, учуш аппаратларининг тушиб кетиши, бино ва иншоотларнинг эскириши, машина ва технологияларни ишдан чиқиши, ходимлар томонидан йўл қўйилган хатолар, атайлаб содир этилган хуфёна ишлар ва ҳ.к. ҳам салбий иқтисодий оқибатларни келтириб чиқаради.

Зарарлар кўзда тутилмаган хатарлар – судга оид ва бошқа хатарлар туфайли ҳам содир бўлади. Тадбиркорлик фаолияти ташқи ва ички савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши ялпи тижорат хатарларига, давлатнинг валюта ва божхона сиёсати туфайли содир бўлиши мумкин бўлган хатарларга дуч келади.

Иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида бозор кўникмалари шаклланиши, унинг қонун-қоидаларининг янада тўлароқ амал қилиши, пировард натижада жамиятни ҳар томонлама ривожланишини таъминлашда бошқарув тизимининг ролини кескин оширмоқда. Бошқарув тизимини

такомиллаштириш, унда янги вазифаларни хал этишга йўналтириш долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда, айниқса иқтисодийнинг барқарорлашуви ва иқтисодий ўсиш мунтазам тус олишига монанд равишда республикада корхоналар фаолиятини янада эркинлаштиришга оид бир нечта қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Улар ўзининг ижобий самарасини амалда кўрсатмоқда. Лекин бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар кўлами талайгина. Улар қаторига корхоналар фаолиятидаги хатарлар билан боғлиқ муаммоларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Иқтисодий хатарларни ўрганиш борасида чет мамлакатлардаги иқтисодчи олимлар катта меҳнат қилганлар. Уни вужудга келиши сабаблари, оқибатлари, бартараф этиш йўллари, бошқариш масалаларига оид кўплаб илмий-амалий мақолалар, китоблар чоп этилган. Корхоналар фаолиятида учраб турадиган ҳамда уларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир этувчи хатарлар ўрганилган. Шунингдек, қатор иқтисодий фанларни ўқитишда бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий хатарлар тўғрисида мустақил фикр юритишига эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган мақсад, мутахассисларда корхонадаги мавжуд маблағлардан энг кам хатар асосида фойдаланган ҳолда юқори даромад олишга интилиш ва кўникмаларни шакллантиришдир. Катта миқдорда даромадга эга бўлиш, ўз навбатида корхона томонидан олиб бориладиган фаолиятнинг хатарлилик даражасига ҳам боғлиқ.

Хатарларни бошқаришдан мақсад нафақат корхона ёки фаолиятни банкротлик (синиш) хавфидан сақлаш қандай йўл бўлмасин фойдани камайиб кетмаслигига интилишдир. Бошқарувнинг моҳияти ресурсларни ишлатишда энг самарали йўл танлашдир. Хавф хатарни олдини олиш энг аввало аниқ ва сифатли маълумотга эга бўлиш ва мавжуд маълумотлардан оқилона фойдаланишни билишдир. Менежер юқори хавф соҳасини аниқлаши, хавф даражасини тўғри баҳолай олиши, хавфни таҳлил қилиши ва

огоҳлантириши, хатарларга қарши тадбирларни пухта ишлаб чиқиши ва уларни унумли қўллаши лозим.

Корхона фаолиятида қуйидагилар оқибатида хавф-хатар янада кучайиб кетиши мумкин:

- нотўғри қарорлар қабул қилинганда;
- ходимларни лаёқатсизлиги туфайли;
- ходимларни иш тақсимлашда қобилият ва имкониятларини тўғри баҳолай олмаслик натижасида;
- маркетинг стратегиясини нотўғри ёки сифатсиз ишлаб чиқилганда;
- менежмент сифати паст эканлигида.

Хавфни камайтиришда ахборот тизимини яхшилаш катта аҳамиятга эга. Бунда айниқса бухгалтерия ҳисобининг самарали йўлга қўйилишига интилиш лозим. Чунки айнан бухгалтерия ҳисоби орқали олиниши мумкин бўлган фойдани олдиндан анча ишончли ҳисоблаб чиқилади, хатога йўл қўйиш ҳолатларнинг оқибатлари прогноз қилинади. Демак, бухгалтерия ҳисоби орқали ва бошқа манбалардан олинган маълумот ва ахборотларни сифатига ва ишончилигига алоҳида эътибор бериш, уларни қайта ишлашни пухта бажариш, уни сақлаш ва вазиятни билиб туриш фойдаланиш зарур.

Корхона бюджетини ва ишлаб чиқариш дастурларини тузишда уларнинг мослашувчан бўлиши ва уларга ўз вақтида ўзгартиришлар киритилиши мумкинлиги, муқобил вариантлар тузиш жуда муҳимдир. Таваккалчиликни аниқлаш, таҳлил қилиш ва унинг даражасини баҳолаш, огоҳлантирувчи тадбирлар ишлаб чиқиш, уни минималлаштириш, суғурталаш, зарарларни камайтириш йўллари қидириш, самарали қарорлар қабул қилиш буларнинг барчаси албатта фойда билан иш фаолиятини юргизишга хизмат қилмоғи лозим.

Зарарни қоплаш учун суғурта шартномаларини тузиш хатарлани минималлаштиришнинг энг оддий усулидир. Зарар кўриш хавфини

камайтириш мақсадида хатарлар қуйидаги муҳим белгилар бўйича гуруҳланади:

- 1). Объектга қараб;
 - а. Умумий хатарлар (умумий фаолият учун хавф туғдиради).
 - б. Махсус хатарлар.
- 2). Ишлаб чиқариш омилларига қараб:
 - а. хом-ашё хатари; унинг миқдорини тўғри аниқлаш, сифатини
 - б. мослиги, муддати бўйича.
 - в. ускуналар, энергия, ходимлар, капитал хатарлари.
- 3). Маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сақлаш жараёнига қараб:
 - а. ишлаб чиқаришдаги хатарлар (арзон ёки қиммат, сифатли ёки сифатсиз, яроқли ёки яроқсиз);
 - б. тадқиқот ва ишланмалардаги хатарлар.
- 4). Маҳсулотни баҳолашга қараб:
 - а. Сотишдаги хатар;
 - б. Баҳолашдаги хатар;
 - в. Тўлашдаги хатар;
 - г. Кафолат бўйича хатар ва бошқ.

Хулоса ва таклифлар

«Таваккалчиликни бошқариш» - бу бошқарувнинг бир тури бўлиб, у ёки бу рискнинг юзага келиш эҳтимоли, унинг баҳоси, огоҳлантирувчи чоратадбирларни ишлаб чиқиш, зарарларни камайтириш ёки улардан қутулиш йўллари аниқлашни билдиради. Таваккалчиликни бошқариш тизимининг муҳим томони рискни тўғри баҳолай олишдир. Бу кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ҳажмини обектив тасаввур қилиш, зарарларнинг олдини олиш чораларини самарали белгилаш учун муҳимдир.

Корхона рискларини бошқариш ҳозирги шароитда Ўзбекистонда авж олиб бораётган кичик ва хусусий бизнес Корхоналари фаолиятини самарали, унумли бошқариш энг муҳим, долзарб муаммо эканлигини ҳисобга олиб, халқаро ҳуқуқий муносабатларни ва мамлакат ичидаги иқтисодий-ҳуқуқий асосларни, миллий хусусиятларни чуқур билишлари ва амалда қўллашлари лозим бўлади. Бунинг учун керакли консултациялар олиш - (маслаҳат берувчи) компаниялардан ва банклар қошидаги ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда Корхоналар палатаси қошидаги мутахассислар билан маслаҳатлашишлари, компьютер орқали «Интернет» ахборотларидан фойдаланиш ҳар бир Корхонанинг биринчи навбатдаги бурчи бўлиб қолмоғи мақсадга мувофиқдир. Корхона ўз фаолиятини самарали, хавф-хатарсиз амалга оширишни бошқарар экан, жаъонда тез ўзгариб бораётган иқтисодий, сиёсий жараёнларни ва мамлакат ичидаги ўзгарувчанлик ҳолатларини ҳар доим ўрганиб бориши корхона фаолияти учун катта самара беради.

Наманган вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 29 январ куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгилаб берилган 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширилиши шунингдек, Инқирозга қарши дастур доирасида қабул қилинган қатор Ҳукумат қарорлари бўйича белгиланган топшириқларни бажарилиши натижасида 2010 йил якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий Корхоналикни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2010 якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ўсиш суръати олдинги йилга нисбатан 12,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 23,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,5 фоиз,

капитал қуйилмалар 3,9 фоиз, қурилиш ишлари 31,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 20,0 фоиз ва пуллик хизматлар ҳажмини 16,1 фоизга ўсишига эришилди.

ЯҲМдаги саноатнинг улуши 7,2 фоизни (2009 йилда 7,1%), қурилиш 7,1 фоизни (7,3%), қишлоқ хўжалиги 34,1 фоизни (33,8%), транспорт ва алоқа 8,1 фоизни (7,9%), бошқалар 35,2 фоизни (35,3%) ташкил этди. Шунингдек, кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 76,0 фоизга (72,4%) тўғри келди.

«Нотўқимачи» акциядорлик жамияти 1933 йилдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган бўлиб, 1994 йил акциядорлик жамиятига айлантирилган. «Нотўқимачи» акциядорлик жамиятида ҳозирги вақтда 1200 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бу корхона вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига катта ҳисса қўшиб келяпти.

Мамлакат енгил саноат тармоғида «Нотўқимачи» акциядорлик жамиятининг улуши 5,2% га тенгдир. Демак, енгил саноатнинг ривожланишида ушбу корхона 5,2 фоиз ҳиссага эга. «Нотўқимачи» акциядорлик жамиятида фойдаланилаётган дастгоҳлар ва асбоб ускуналарнинг катта қисми узоқ муддатдан бери ишлаб келаётган дастгоҳлардир. Улардан охириги беш йил ичида биронтаси ҳам янгилангани йўқ, 10 йилгача бўлган муддатда 3 % қолган барча дастгоҳлар 20 йилдан ортиқ хизмат муддатига эга. Корхонада мавжуд дастгоҳларнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 3800-4000 тонна пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга.

Акциядорлик жамиятининг асосий воситалари асосан жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган дастгоҳлардан иборат. Бу эса корхонада ишлаб чиқариш таваккалчилиги билан боғлиқ хатарларни янада кучайтиради. Айни пайтдаги, мамлакатимиздаги модернизациялаш жараёнлари айнан ишлаб чиқариш корхоналарининг мавжуд қувватларини янгиланиши ва замонавийлаштирилиши билан боғлиқ. Демак, корхона ўз ишлаб чиқариш

қувватларини янгилаши билан бир қаторда уни замон талаблари асосида, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот яратиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи замонавий техника ва технологияларни жорий этиб бориши зарур.

Агарда ахвол шу тарзда давом этса корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талаб ички ва ташқи бозорда кескин тушиб кетиши эҳтимоли ўта юқори бўлиб бораверади.

Корхонада таваккалчилик хавфини камайтиришнинг энг оқилона усулларида бири ҳисобланувчи ишлаб чиқарилётган маҳсулот таркибини диверсификациясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабаблари аниқланди. Улар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

5. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни бозор талабларидан орта қолиши. Юқори унумдорликда ишлайдиган сифатли маҳсулот ҳисобланган сунъий мўйна ва ватин матоларига етарли даражада талаб йўқлиги туфайли уларни ишлаб чиқариш вақтинча тўхталди. Шу билан биргаликда корхона маҳсулотининг нархини юқорилаб кетиши ҳам талабга таъсир кўрсатди.

6. Корхонада ишлаб чиқариладиган ҳаридоргир маҳсулотлар учун зарур бўлган хом ашё ва бутловчи қисмларнинг етишмаслигидир. Нотўқима мато учун зарур бўлган пахта толаси билан таъминлашда узилишлар бўлмоқда. Сунъий мўйна маҳсулотини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган вольтекс ва кунит хом ашёсини фақатгина Бухоро ва Навоий вилоятларидаги корхоналарда мавжудлиги боис, уларни келтиришда маълум қийинчиликлар содир бўлмоқда. Техник жиҳозлар учун зарур бўлган чидамли бутловчи қисмларни топишда қийинчиликлар мавжуд. Чунки, бу қисмларнинг кўпчилиги Россияда ишлаб чиқарилади. Уларни келтириш қўшимча маблағ талаб қилади.

7. Корхонада фойдаланиладиган дастгоҳларнинг иш унумдорлиги умуман паст. Чунки, уларнинг аксарият қисми жисмоний жиҳатдан эскидир.

8. Малакали ходимларнинг етишмаслиги. Бугунги кунда корхонада ишлаётган ходимларнинг 15-20 % олий маълумотли мутахассислар бўлса, 25-30% ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислардир.

«Нотўқимачи» АЖ нинг иқтисодий хўжалик фаолиятини, унда таваккалчиликни бошқариш билан боғлиқ омилларни ўрганганимизда уни кучли ва кучсиз томонларини аниқлашга алоҳида эътибор бердик. Чунки, корхонадаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини самарали ҳолда амалга ошириш, хатар даражасини камайтириш учун фаолияти нисбатан самарасиз бўлган томонларни ўрганиб, таҳлил қилиб, уларни самарали фаолиятини таъминлашга эришиш лозим. «Нотўқимачи» АЖ даги иқтисодий хўжалик фаолиятининг 20 та кўрсаткичи бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Улардан фақат иккитасигина кучли томонлар деб эътироф қилинди. Улар маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш ҳамда ишчилар ва касаба уюшмаларининг алоқаларидир.

Шу билан бирга корхона сотув каналларини кенгайтириш, бозорда илмий изланишлар олиб бориш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, маҳсулот турлари диверсификациясини ташкил этиш, унинг янги турдаги ассортиментларини таклиф этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, янги турдаги инновацион маҳсулот яратиш имкониятлари мавжудлиги аниқланди. Корхона фаолияти яхшилаш унда мавжуд иқтисодий ва молиявий хатарларни олидини олиш кўп жиҳатдан юқорида санаб ўтилган омиллар билан боғлиқ. Шундай экан, корхонада бошқарув структурасида муайян ўзгариш орқали юқорида санаб ўтилган тадбирларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Корхонадаги 1-ишлаб чиқаришдаги фаолият, мавжуд дастгоҳларнинг ҳолати, хом ашёларни сотиб олиш даражаси ва корхона маҳсулотлари нархларининг рақобатбардошлилиги кўрсаткичлари нисбатан заиф томонлар

эканлиги аниқланди. Корхонада амалга ошириладиган тадбирлар ва илмий изланишлар мана шу томонларга йўналтирилиши лозим. 1-ишлаб чиқаришдаги ҳолат дастгоҳларнинг жисмоний эскиргани натижасида келиб чиққан бўлиб, унинг натижасида маҳсулот таннархи ортиб кетган ва нархни рақобатбардошлилиги тушиб кетган.

Демак, корхона раҳбарияти ва иқтисодчилари олидида турган энг долзарб масала – мавжуд дастгоҳларни янги, юқори унумли ва кам сарф-ҳаражат талаб этадиганларини топиш ҳамда уларни жадал тарзда ишлаб чиқаришда қўллашдир.

Мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолият билан шуғулланишдаги ҳавф–хатарларни юзага келишига асосий сабаблар куйидагилардан иборат деб ҳисоблаш мумкин:

- ишлаб чиқариш жараёнига арзон ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш. Бу ҳолат маълум вақтгача фойда келтириши мумкин. Аммо унга нисбатан юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш оқибатида ҳавф-хатар кучаяди;

- инновацион жараёнларнинг янги натижалари эски ишлаб чиқариш технологияларга асосланиши ҳам ишлаб чиқарилаётган товарларга бўлган талабларни пасайиши ҳам ҳавф-хатарни кучайтиради;

- инновация янгиликларни янги ишлаб чиқариш технологияларига асослаган ҳолда ҳам унинг товарларига бўлган талабни бўлмаслиги ёки талабга жавоб бермаслиги мумкин.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг инновацион фаолияти кўламларига жиддий таъсир этувчи муҳим омил – бу чеклашлардир. Давлатнинг мазкур жараёнларга аралашувини эътиборга олмаганда маблағ ва вақт чекловларини фарқлайдилар. Одатда йирик инновацияларни амалга ошириш учун кўп тадбиркорларда маблағ етишмайди, ташқи манбалардан маблағ жалб қилишга ҳам имконияти бўлмаслиги мумкин. Бундай чеклов тадбиркорларнинг холдингга, концернга, консорциумларга бирлашишлари

орқали бартараф этилиши мумкин. Вақт омили эса инновацияларни амалга оширишда харажатларнинг қопланиши учун муайян вақт талаб этилишида ифодаланади. Вақт ортиши эса кўпинча иқтисодий хатарларнинг ҳам оришига олиб келади.

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида хавф-хатарларни бўлишига асосий сабаб бозор иқтисодиёти шароитида субъектлар маълумотларини айрим вақтларда сир сақлаш ҳолатида йўл қўйилган ҳатоларнинг оқибатидир деб кўрсатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби:

- ахборотларни сир сақланмаслиги;
- маркетинг сиёсатини талабга жавоб бермаслиги;
- яратилган янгилик ихтироларини ишлаб чиқаришга жалб этишни талаб даражасида эмаслиги;
- бозорларда ўзга ёки хорижий фирмалар томонидан босқинчилик сиёсатини олиб боришидадир.

Ишлаб чиқариш корхоналарида инновация жараёни ташкил этишда корхона ва тадқиқотчилар ҳамкорлик қилишлари лозим бўлади. Чунки кўпчилик ҳолларда инновациянинг муаллифи ва уни жорий этувчиси битта шахсда мужассамлашган эмас. Инновация қандайдир ўйлаб топилган янгилик ёки илмий-техникавий фаолият натижаси бўлиши керак. Корхона қандайдир илмий муассасага топшириқ бериши, ички ёки ташқи бозордан тайёр лицензия сотиб олиши, патент тадқиқоти ўтказиши мумкин. Муаммо кўйилса, олимлар ва тадқиқотчилар бу муаммо устида ишлайдилар ва ечимини топишга ҳаракат қиладилар. Шу сабабли, корхона ўз муаммоларини илмий-тадқиқот муассасаларига етказиши лозим. Бундай ишларнинг ҳаммаси корхонада маблағ бўлишини ҳам талаб қилади. Яратилган инновацияни жорий қилиш учун ҳам маблағ бўлиши керак. корхона ўзида бор бўлган ресурслардан маблағлардан фойдаланиши, ўзида йўқ бўлган ҳолда кредит, заем воситаларидан фойдаланиши лозим.

Хавфни камайтиришда ахборот тизимини яхшилаш катта аҳамиятга эга. Бунда айниқса бухгалтерия ҳисобининг самарали йўлга қўйилишига интилиш лозим. Чунки айнан бухгалтерия ҳисоби орқали олиниши мумкин бўлган фойдани олдиндан анча ишончли ҳисоблаб чиқилади, хатога йўл қўйиш ҳолатларнинг оқибатлари прогноз қилинади. Демак, бухгалтерия ҳисоби орқали ва бошқа манбалардан олинган маълумот ва ахборотларни сифатига ва ишончилигига алоҳида эътибор бериш, уларни қайта ишлашни пухта бажариш, уни сақлаш ва вазиятни билиб туриш фойдаланиш зарур.

Корхона бюджетини ва ишлаб чиқариш дастурларини тузишда уларнинг мослашувчан бўлиши ва уларга ўз вақтида ўзгартиришлар киритилиши мумкинлиги, муқобил вариантлар тузиш ўта муҳимдир. Таваккалчиликни аниқлаш, таҳлил қилиш ва унинг даражасини баҳолаш, огоҳлантирувчи тадбирлар ишлаб чиқиш, уни минималлаштириш, суғурталаш, зарарларни камайтириш йўллари қидириш, самарали қарорлар қабул қилиш буларнинг барчаси албатта фойда билан иш фаолиятини юрғизишга хизмат қилмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида» ги Қонуни. Қонун ва Қарорлар. Т. : Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулк тўғрисида»ги қонуни. Қонун ва қарорлар. Т. : Ўзбекистон, 1990.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўқрисида» ги конуни Қонун ва қарорлар. Т. : Ўзбекистон, 2003.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари

1. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

2. Каримов И.А Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир. Халқ сўзи газетаси 2007 йил 13 феврал сони

3. Каримов И.А Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари Т.: Ўзбекистон, 1997.

4. Каримов И.А Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Тошкент, Ўзбекистон, 1995 й

5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

7. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

8. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси
// Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

9. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида
ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент
Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул
қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси
// Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал
сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-
тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг
Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш
кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008
йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг
реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини
таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури
тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва
ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ
тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш
тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат
маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш
юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь,
ПҚ-1047-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

III. Махсус адабиётлар

1. А.А.Томпсон, Адж. Стрикленд. “Стратегический менеджмент” М., “Банки и биржи” 2002г.
2. Бачан Т.И и др: «Хозяйственный риск и методы его измерения» М., «Экономика», 1979 г.
3. Балабанов И.Т. «Риск и менеджмент» М.:«Финансы и статистика», 1996г.
4. Вачугов Д.Д. под ред. Д. Д. Вачугова. Практикум по менеджменту: деловые игры. Высшая школа, 2004

5. Викханский “Стратегические управление” М, “Экономика” 2003г.
6. Гуломов С.С «Мустақил Ўзбекистон» Т.: Тошкент Ислом университети 2003 й.
7. Загулин М.С. «Основы бизнеса и менеджмента» М. : 2000 г
8. Зуб Анатолий Тимофеевич. Стратегический менеджмент: Теория и практика. М.: Аспект Пресс, 2004
9. Зайцев Н.А «Экономика промышленного предприятия» Москва 1996
10. И.Б. Гурков Стратегический менеджмент организации. М.: ТЕИС, 2004
11. И.Ансофф. стратегически управление М., «Экономика» 1998гг.
12. Клифф Баумен. Основы стратегического менеджмента. М., « Банки и биржи» 1997 г.
13. Лепла Д.Ф. Стратегии развития Бренда. М.: 2004
14. Мескон М.И и др: «Основы менеджмента» М., «Дело»1997 г
15. Майкл У. 50 Методик менеджмента. 2004
16. Мескон М и другие. «Основу менеджмента» М: Дело, 1995
17. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти.
18. Никелес У и др. «Постижение бизнеса» М.:«Довгань»,1996 г
19. Н.К. Юлдашев , О.С. Козоков Менеджмент . Т.: Фан, 2004
20. Попов С.А. Модульная программа для менеджеров: Стратегическое управление. - М.: Инфра-М, 2000
21. Первозванский А.А., Первозванский Т.Н. «Финансовый риск: расчет и риск» М., «Инфра-М» 1999 г
22. Под ред. Львова Д.С., Гранберг А.Г. Стратегическое управление: регион, город, предприятие. М.:ЗАО «Экономика», 2004
23. Попов С.А. Стратегический менеджмент: Видение-вожнее чем знания. М.: Дело, 2003 й
24. Пиндайк.Ю. Микроэкономика Таллин 1995
25. Развитие организации и HR-менеджмент. М.: Независимая фирма

«Класс», 2004 г.

26. Сергеев И.В «Экономика предприятия» 1997 й

27. Турсунхўжаев К «Корхонадаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш.» Т. : Ўзбекистон, 1997 й.

28. Трэттон Линда Живая стратегия. 2003 г.

29. Тўракулов.Ш «Эффективность функционирования промышленного производства в условиях реформирования экономики» Т.: Ўзбекистон, 1995г.

30. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Фафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

31. УшаковС.А. Управления рисками. [ИНФРА-М, РИОР](#), 2005. С 45.
// www.cfin.ru

32. Уткин Э.А. « Менеджмент» М: 2000 г.

33. Фомин Г.И «Математический анализ рисков и страховании» М.: 1994 г

34. Хўжаев Н., Хамидова С.А., Асадова З. Тадбиркорлик ва таваккалчилик. Т.: 1996 й.

35. Чжен В. «Бозор шароитида минтақанинг тармоқ тараққиёти» Т.: Ўзбекистон, 1997.

36. «Экономика предприятия» Москва 2000 г.

37. «Экономика организации и планирование промышленного производства» под. Ред. Санамова Ю.А Высшая школа 1995 г.

38. Юлдашев Н.К., Болтабоев М.Р., Рихсимбоев О.К., Ганиев Б.О. Стратегик менежмент. Ўқув кулланма.- Т.: ТДИУ,2003 г,С.102

IV. Статистик тўпламлар

1. «Нотўқимачи» АЖ ҳисоботлари.
2. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

V. Илмий-оммабоп нашрлар

1. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2006-2010 йил сонлари
2. Таълим ва иқтисод. 2006-2010 йил сонлари

VI. Интернетдан олинган маълумотлар.

1. www.Referat.ru
2. www.5balov.ru
3. www.diplomnaya_rabota_na_temu_sovershenstvovanie_sistemy_uz

VII. Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган мақолалар

1. А.Боймирзаев “Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига хос хатарлар”. “Иқтидорли талабалар, магистрантлар, аспирантлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг илмий амалий конференцияси” тўпламида. Н.: НамМПИ. 2011 й
2. А.Боймирзаев “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий хатарларни бошқариш”. “Иқтидорли талабалар, магистрантлар, аспирантлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг илмий амалий конференцияси” тўпламида. Н.: НамМПИ. 2011 й